

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ  
ИЖТИМОИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.  
ТАР.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚАБУЛОВ ЭШБОЛТА АТАМУРАТОВИЧ**

**ХVIII АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА  
СУРХОН ВОҲАСИ ХЎЖАЛИГИ**

07.00.01. - Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук**

**Contents of abstract of the doctoral dissertation**

**Қабулов Эшболта Атамуратович**

XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Сурхон воҳаси

ҳўжалиги .....5

**Қабулов Эшболта Атамуратович**

Хозяйственная жизнь Сурханского оазиса во второй половине

XVIII – начале XXвв.....35

**Kabulov Eshbolta Atamuratovich**

Surkhan Oasis farming in the second half of the XVIII and at the beginning

of XX centuries.....67

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....72

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ  
ИЖТИМОИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.  
ТАР.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚАБУЛОВ ЭШБОЛТА АТАМУРАТОВИЧ**

**XVIII АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА  
СУРХОН ВОҲАСИ ХЎЖАЛИГИ**

07.00.01. - Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2018.1. DSc /Таг 102 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Термиз давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали ([www.zionet.uz](http://www.zionet.uz))да жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Турсунов Сайфулло Нарзуллаевич</b> тарих фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Мусаев Нуриддин Умрзоқович</b> тарих фанлари доктори, профессор <b>Холиқова Раҳбар Эргашевна</b> тарих фанлари доктори, профессор <b>Абдуллаев Улуғбек Сайданович</b> тарих фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Қарши давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 27.06.2017. Таг. 01.04 рақамли илмий кенгашининг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория). Тел: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 236-46-55, факс: (99871) 246-02-04)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.А. Маврулов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Д.Ж.Урақов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш Илмий котиби, т.ф.н., доцент

**Г.А.Агзамова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда аҳоли сонининг тез ўсиши, глобаллашув ва урбанизация жараёнларининг жадаллашуви, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бориши хўжалик тизимининг интенсив тараққиётини тақозо этмоқда. Бу эса жаҳоннинг турли маданий-хўжалик ареалларида инсонларнинг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган ривожланиш тенденцияларини турли тарихий даврлар контекстида ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортишига олиб келмоқда. Зеро, БМТнинг минг йиллик тараққиёт мақсадларида ҳам қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланишини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашни назарда тутган устувор йўналишлар белгилаб берилган.

Ҳозирги даврда алоҳида минтақалар ривожини ёки иқтисодий тараққиётини халқаро муносабатлардан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, мустақиллик йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги БМТ, Европа Иттифоқи, Жаҳон Банки, Осиё Тараққиёт Банки каби қатор халқаро ташкилотларнинг тараққиёт дастурларига мос равишда ривожланмоқда. Ўзбекистон умумжаҳон иқтисодий интеграциясига фаол кўшилиб, янгича аграр муносабатлар ва ислохотлар жадал амалга оширилмоқда. Албатта, бу каби иқтисодий ўзгаришлар ва аграр ислохотлар жараёнида халқнинг асрлар давомида шаклланган хўжалик анъаналари, тажрибаларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон тарихида иқтисодий муносабатлар, аграр соҳадаги ўзгаришлар, ўзбек халқининг анъанавий хўжалик тизими, унинг тараққиёт динамикаси каби масалаларга бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Бироқ хўжаликнинг турли тарихий даврлардаги ривожланиш тенденцияларини алоҳида минтақалар мисолида ўрганиш масаласига бир қадар кам эътибор берилган. Айниқса, ўзбек давлатчилиги тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган Сурхон воҳасининг XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларидаги хўжалик муносабатларини тарихий-хронологик изчиллик, ҳудудий-муаммовий ёндашув асосида очиб бериш ватанимиз тарихини янги маълумотлар билан бойитиш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек: “Сурхондарё вилояти ўзининг иқтисодий салоҳияти, муҳим географик ўрни, табиий имкониятлари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга”<sup>1</sup>.

Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш кўзда тутилган давлат дастурида аграр соҳада инвестицион муҳитни янада жадаллаштириш, қишлоқ хўжалигини ҳар бир минтақанинг табиий-географик шароити, экологик ҳолати ҳамда аҳолининг азалий хўжалик тажрибалари асосида йўлга қўйишга қаратилган ва шу билан биргаликда кенг кўламда олиб борилаётган ислохотлар жараёни тадқиқотнинг заруратини

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 279.

белгилайди<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари<sup>3</sup> ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодий шакллантириш” дастурининг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Бухоро амирлиги, хусусан, тадқиқ этилаётган минтақанинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти тарихига йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, АҚШнинг Гарвард университети (University of Harvard), Индиана Блумингтон университети (Indiana University Bloomington), Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти (Johns Hopkins University), Германиянинг Тюбинген университети (University of Tuebingen), Бонн университети (University of Bonn), Россия Фанлар академияси Этнология ва антропология институти, Замонавий жамиятлар антропология маркази, Франция (Centre d’anthropologie des mondes contemporains), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида олиб борилмоқда.

Жаҳон миқёсида олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида жумладан, табиий шароитнинг аҳоли турмуш тарзи, анъаналари ва диний маросимларига таъсири аниқланган (University of Harvard, АҚШ); хўжалик-маданий типлари ва унинг табиий муҳит билан чамбарчас боғлиқлиги очиб

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармонининг 1-илоvasида келтирилган “ 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” // <http://stratgy.regulation.gov.uz>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сонли “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 ноябрдаги 382-сонли “Сурхондарё вилоятида деҳқон хўжалиқларининг имкониятларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 4 мартдаги 119-сонли “Деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерларидан фойдаланиш, сувга чидамли, экспортбop дарахт плантацияларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари.

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи The impact of natural conditions on the lifestyle, traditions and religious rites of the population. Research University of Harvard // [www.harvard.edu](http://www.harvard.edu); Economic culture and its dependence on the natural environment. Research University of Indiana Bloomington // [www.indiana.edu](http://www.indiana.edu); Agriculture factors of its development. Research Institute Central Asia and Caucasus of Johns Hopkins University /[www.jhu.edu](http://www.jhu.edu); Social history of the population and antropogenic landscapes.Tuebingen University of Deutchland./www.uni-tuebingen.de; De laatste khans en de sociaal-economische relaties van de mensen van de Amudarya tijdens het Sovjettijdperk. Rheinische Friedrich-Wilhelms- Universitat Bonn.<https://www.zef.de> (amudarya O.htm); Этнология ва антропология институти [iea-ras.ru/index.phpgo](http://iea-ras.ru/index.phpgo) Structure&id 11 &in=view/; Абелес М. Об антропологии во Франции // ЭО. – 2005. – № 2. – С. 69–74; [uzhistoru.uz](http://uzhistoru.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

берилган (Indiana University Bloomington, АҚШ); кишлоқ хўжалиги ва унинг ривожланиш омиллари аниқланган (Johns Hopkins University, АҚШ); аҳолининг ижтимоий тарихи ва антропоген ландшафтлари ўрганилган (University of Tuebingen, Германия); сўнги хонликлар ва совет даврида Амударёбўйи халқларининг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари очиб берилган (University Bonn, Германия); ўзбек халқининг хўжалик маданияти масалалари илмий асосланган (Россия Фанлар академияси Этнология ва антропология институти, Россия); глобаллашув жараёнининг этнослар турмуш тарзи ва моддий маданияти ўзгаришига таъсири аниқланган (Centre d'anthropologie des mondes contemporains, Франция); Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти.

Дунёда хўжалик ҳаётини ўрганиш борасида куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, хўжалик ривожига таъсир этадиган ижтимоий, иқтисодий, экологик омилларни локал ҳамда глобаллиги нуқтаи назаридан тарихий ва замонавий жараёнлар контекстида аниқлаш; янги экин турларини яратиш ва уларнинг истиқболларини белгилаш; ирригация тизимидаги ислохотларнинг хўжалик ҳаёти ва экологияга таъсирини аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда хўжалик ва савдо муносабатлари тарихига бағишланган тадқиқотлар Бухоро амирлиги, хусусан, Сурхон воҳасининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ҳам ёритиб беради ва уларни куйидаги уч тарихий даврга ажратган ҳолда ўрганиш мумкин.

Биринчиси, Бухоро амирлиги ва Россия империяси мустамлакачилиги даврида яратилган Хожа Самандар Термизий, Абдурахмон Толеъ, Мирза Бадиъ Девон, Қози Муҳаммад Вафо Карминагий, Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Нақий, Мирзо Абдуазим Сомий, Аҳмад Дониш, Мирза Салимбек, Муҳаммад Али Болжувоний, Д.Н.Логофет, Н.А.Маев, А.Г.Ананьев каби муаллифларнинг асарлари.

Иккинчиси, совет даврида яратилган тадқиқотлар, жумладан, В.В.Бартольд, А.А.Семенов, И.А.Ремез, О.Д.Чехович, А.М.Аминов, М.А.Абдураимов, Ҳ.З.Зиёев, Б.Х.Кармишева, Б.В.Лунин, К.Ш.Шониёзов, К.З.Хакимова, Л.Н.Кравец, В.С.Батраков, К.М.Мирзаев сингари олимларнинг асарлари.

Учинчиси эса мустақиллик даврида ёзилган асарлар бўлиб, улар Ҳ.З.Зиёев, Р.Г.Мукминова, Г.А.Агзамова, Д.Ҳ.Зиёева, Ш.Ҳ.Воҳидов, Қ.К.Ражабов, У.С.Абдуллаев, А.А.Аширов, Н.У.Мусаев, С.Н.Турсунов, С.Б.Шодмонова каби тарихчиларнинг<sup>5</sup> тадқиқотларидир.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг

---

<sup>5</sup> Мавзунинг манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари I бобнинг 1–2- параграфларида батафсил ёритилган.

“Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида моддий ва маънавий маданият” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида деҳқончилик ва чорвачиликнинг ўрни ҳамда савдо-сотик муносабатларининг ривожланишини тарихий манбалар, архив ҳужжатлари, тарихий-этнографик материаллар асосида комплекс очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги тарихини тадқиқ этиш орқали Сурхон воҳаси бекликларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётини тарихий манбалар ҳамда архив ҳужжатлари асосида тавсифлаш;

воҳадаги суғорма деҳқончиликнинг ривожланиш омиллари, минтақага хос анъанавий агротехника ва меҳнат қуроллари ҳақидаги тарихий маълумотларни илмий истеъмолга олиб кириш;

Россия империясининг иқтисодий манфаатлари таъсирида Сурхон воҳаси хўжалигининг ривожланиш тенденциясидаги ўзгаришларни тарихий материаллар асосида таҳлил қилиш;

воҳа хўжалик ҳаётида чорвачиликнинг ўрни, унинг ривожланиш омиллари ва товарлилик даражаси, у билан боғлиқ халқ анъаналарининг табиий-географик ва этник омиллар билан боғлиқлигини қиёсан очиб бериш;

Бухоро амирлиги ва Россия империясининг Шарқ давлатлари билан олиб борган савдо алоқаларида Сурхон воҳасининг тутган ўрни ва ролини асослаб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Сурхон воҳасининг хўжалик ҳаёти тарихи масалаларини очиб бериш танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, шунингдек, маъмурий-худудий бошқарув, деҳқончилик, чорвачилик, савдо муносабатларининг ҳолати, ўлканинг пахтачилик зонасига айланиши ҳамда Россия империясининг воҳа иқтисодий ҳаётига таъсири каби масалалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-хронологик, муаммовий-худудий ёндашув, тарихий-маданий ворисийлик ва изчиллик, қиёсий-тарихий таҳлил каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Сурхон воҳасининг иқтисодий-хўжалик ва савдо муносабатларининг ривожланиши XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигида кузатилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларнинг нотекис ривожланиш жараёнлари таъсирида кечганлиги ёритиб берилган;

хўжалик муносабатлари воҳанинг табиий-иқлим шароити, агроиқлим ресурслари, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, ташқи ва ички бозор талаблари

ҳамда мавжуд сиёсий вазият билан боғлиқ ҳолда ривожланганлиги ҳамда хўжалик тараққиёти анъанавий агротехника тадбирларини қўллаш, маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш, оқилона алмашлаб экишни жорий қилиш борасида ривожланиб борганлиги аниқланган;

минтақанинг сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик хўжалигида Амударёнинг ирмоқлари (Тўпалангдарё, Сурхондарё, Шерободдарё)да бунёд этилган ирригация иншоотлари ҳамда тоғ ва тоғолди худудларидаги сой, ҳавза, булоқ, кориз, селовакорлик каби локал суғориш тизими устувор аҳамият касб этгани ҳолда, лалмикор деҳқончилик хўжалигининг табиий шароитга боғлиқ бўлган беқарор экстенсив характери кўрсатиб берилган;

чорвачилик хўжалигининг ривожланиш жараёнларига турли ижтимоий қатламларнинг (уруғ оқсоқоллари, оилавий сулолалар, қишлоқ жамоаси) яйловларга ва чорвага эгалик муносабатлари ҳамда йиллик табиий шароит, сиёсий-иқтисодий вазият каби қатор омиллар бевосита таъсир этганлиги асосланган;

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Россия капиталининг Бухоро амирлиги иқтисодиётига кириб келиши ҳамда савдо, хунармандчилик ва қишлоқ хўжалигини, айниқса, янги ерларни ўзлаштириш, ирригация лойиҳаларини амалга ошириш, пахтачиликни ривожлантириш борасида олиб борган тадбирларининг Сурхон воҳасининг хўжалик-маданий ландшафтига бевосита таъсир этганлиги кўрсатиб берилган;

Сурхон воҳаси Бухоро амирлиги ва Россия империясининг Шарқ давлатлари билан иқтисодий, савдо алоқаларида транзит йўли сифатида стратегик аҳамиятга эга бўлганлиги, унинг географик жиҳатдан қулай савдо йўллари чорраҳасида жойлашганлиги, Амударё сув йўлининг (Айритом, Паттакесар, Шўроб, Чўчкагузар, Қоракамар кечувлари) ҳамда Термиз темир йўлининг хўжалик муносабатлари тараққиётида катта аҳамият касб этганлиги тарихий манбалар асосида аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда эркин бозор муносабатларини ривожлантиришда ўзбек халқининг кўп асрлик хўжалик тажрибалари, қишлоқ хўжалиги ва савдо билан боғлиқ анъаналаридан ислоҳотлар изчиллигини таъминлашда фойдаланилади.

Тарихий манбалар, архив ҳужжатлари ва дала материалларини ўрганиш орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда хўжалик анъаналаридан самарали фойдаланиш ҳамда савдо муносабатлари олиб боришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, ишда ишончли тарихий манбалар ва архив ҳужжатларига асослангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижа ва чиқарилган хулосалар Ўзбекистон тарихи, хусусан, хўжалик ва савдо муносабатлари тарихи билан шуғулланувчи тарихчи мутахассислар учун

муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилиши, Ўзбекистон тарихи фанининг Сурхон воҳаси хўжалиги тарихи билан боғлиқ назарий бўшлиқни тўлдириши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида Ўзбекистон тарихининг XVIII – XX аср бошларидаги хўжалик тарихини ўрганиш, махсус курс ҳамда семинарлар ўтиш, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда илмий-амалий асос бўлиши, қолаверса, анъанавий хўжалик тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурхон воҳасининг XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари даври тарихини тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

воҳанинг Бухоро амирлиги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни ва роли ошганлиги ҳамда стратегик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этганлиги тўғрисидаги материалларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 январдаги 3-И-03-03 рақамли лойиҳа доирасида фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2018 йил 10 январдаги ФТА-02-02/16-сон маълумотномаси). Бу эса сўнгги ўрта асрларда Сурхон воҳаси хўжалик ҳаёти тарихини ўрганиш ва янада чуқурроқ тадқиқ этиш имконини яратган;

Сурхон воҳаси чорвачилик хўжалигининг ривожланиш тенденциялари ва қулай иқлими, кенг яйловларнинг мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланиш борасида халқ анъаналарининг асрлар давомида шаклланилиши ҳақидаги диссертация маълумотлари И-2010-33 рақамли лойиҳа доирасида фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2018 йил 10 январдаги ФТА-02-02/16-сон маълумотномаси). Бу эса талаба, магистр, илмий тадқиқотчиларнинг хўжалик тарихи масалаларини ўрганишга бўлган қизиқишини янада оширган;

Сурхон воҳаси моддий маданиятининг шаклланиши, тараққий этиши ва ривожланиш босқичлари ҳамда унинг жаҳон тамаддунидаги ўрнига оид диссертация маълумотлардан И-2012-40 рақамли лойиҳада фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2018 йил 10 январдаги ФТА-02-02/16-сон маълумотномаси). Бу маълумотлар тадқиқ қилинган даврда Сурхон воҳаси аҳолиси хўжалик-маданий анъаналарини ёритиб беришга хизмат қилган.

Бухоро амирлиги ва Россия империясининг Шарқ давлатлари билан иқтисодий, савдо алоқаларида Амударё сув йўлининг (Айритом, Паттакесар, Шўроб, Чўчкагузар, Қоракамар кечувлари) ҳамда Термиз темир йўлининг муҳим ўрин тутгани тўғрисидаги маълумотлардан 3-И-03-03 рақамли лойиҳада фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2018 йил 10 январдаги ФТА-02-02/16-сон маълумотномаси). Бу эса минтақанинг Шарқ мамлакатлари савдо алоқалари тарихини янада чуқурроқ тадқиқ этиш имконини яратган;

Сурхон воҳаси деҳқончилигида тупроқ унумдорлигини анъанавий

усулда ошириш, донли, сабзавот ва поллиз экинларининг янги навларини яратиш каби омиллар асосида ривожланиб борганлиги, сунъий суғориш тармоқларидан самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалигининг ривожланишига асосий таянч бўлиб хизмат қилиши ҳақидаги диссертация маълумотларидан Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясининг “Қишлоқ ва ҳаёт”, “Бир қишлоқ тарихи”, “Жануб овози” кўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 3 январдаги 1-сон маълумотномаси). Бу маълумотлар воҳа аҳолисининг аграр соҳада катта тажрибага эга эканлигини омма орасида кенг тарғиб этишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг асосий мазмуни ва натижалари 9 та халқаро: “Ал-Ҳаким ат-Термизий ва унинг даври” (Термиз, 2004), “Амударё цивилизацияси жаҳон маданияти тизимида” (Термиз, 2014 йил 16 сентябрь), “Научный поиск в XXI веке” (Москва, 2015), “Advanced Studies in Science: Theory and Practice” (London, 2015), “Наука в современном мире” (Киев, 2016), “Бойсун баҳори” – миллий маънавиятимиз дурдонаси (Бойсун, 2017), “Буюк муҳаддис Абу Исо Термизий ва Термизийларнинг бой илмий-маънавий меросини ўрганиш” (Термиз, 2017), “Инновационные технологии и перспективы развития естественных и общественно-гуманитарных наук в условиях глобализации” (Таджикский педагогический институт, Пенджикент, 2018), “Бойсун баҳори” – моддий ва номоддий маданиятимиз дурдонаси” (Бойсун, 2018) ҳамда 23 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 80 та илмий иш нашр этилган. Шундан 1 та монография, 2 та коллектив монография ва 4 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, республика журналларида 10 та ва хорижий журналларда 4 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 231 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, шунингдек, таркибий тузилиши ва ҳажми тавсифлаб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари ҳамда мавзунинг манбашунослиги ва тарихшунослиги” деб номланади. Унда воҳанинг хўжалик ҳаёти янгича илмий-назарий ёндашувлар асосида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиялари билан уйғун ҳолда ўрганилган. Диссертацияда жамиятнинг тарихий тараққиёт жараёнини тарихий-маданий ворисийлик ва цивилизациявий ёндашувлар асосида ўрганиш ҳамда Ўзбекистон тарихи фанининг ривожланишида асосий назарий-методологик йўналиш бўлган “Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи” концепцияси<sup>6</sup> илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбек давлатчилиги тарихи бевосита қадимги деҳқончилик маданияти билан узвий боғлиқ бўлиб, ягона цивилизация тараққиёти жараёнида шаклланди<sup>7</sup>.

Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг у ёки бу босқичларини ёритиб беришда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, бошқарув тизими, давлат чегаралари ва маъмурий бўлиниши, хўжалик тарихи, мулкчилик, товар-пул муносабатлари, солиқ тизими каби хусусиятларини батафсил ўрганишга асосий эътибор қаратилган. Жумладан, Ўзбекистон тарихида М.А.Абдураимов, Ҳ.З.Зиёев, Р.Г.Мукминова, Г.А.Агзамова, Д.Ҳ.Зиёева, Р.Х.Муртазаева, Қ.К.Ражабов, А.А.Аширов, У.С.Абдуллаев, Ш.Ҳ.Воҳидов, Н.У.Мусаев, С.Н.Турсунов каби тарихчи олимларнинг асарларида илгари сурилган назарий ёндашувлардан диссертацияда ўз ўрнида фойдаланилди.

Маълумки, Ўрта Осиё хонликлари давлатчилик тенденцияларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларнинг нотекис ривожланиши ҳамда алоҳида ўн йилликлар билан боғлиқ бўлган нисбатан ўсиш навбатдаги инкирозлар билан алмашилиб турганлиги кузатилган<sup>8</sup>. Албатта, бу жараёнлар хўжалик ҳаётининг ривожланиш динамикасига ҳам сезиларли таъсир ўтказган.

Шунингдек, айнан XVI – XIX асрнинг биринчи ярми тарихи акс этган Ўзбекистон тарихининг академик нашрида ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёт билан биргаликда ўтроқ, кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳолининг ўзаро алоқалари, аграр муносабатлар, қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар ҳамда анъаналар, мамлакат тараққиётида турли ижтимоий қатламлар, тоифаларнинг роли янгича назарий-методологик ёндашувлар асосида ёритиб берилган<sup>9</sup>.

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги анъанавий миллий иқтисодиётига ҳам Россия капиталининг аста-секинлик билан таъсир этганлигини кузатиш мумкин<sup>10</sup>. Жумладан, илмий

<sup>6</sup> Қаранг: Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Масъул муҳаррирлар: Д.А.Алимова, Э.В.Ртвеладзе. Ташкент: “Шарк” 2001. – 207 с.; Асқаров А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: “O‘zbekiston”. 2015. – 670 б.

<sup>7</sup> Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари... – Б. 5.

<sup>8</sup> Қаранг: Мукминова Р.Г., Агзамова Г.А. Ўзбек хонликларида давлатчилик анъаналари ва уларнинг ривожланиши. // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари... – Б. 105 – 118.

<sup>9</sup> История Узбекистана (XVI – первая половина XIX века) Отв. ред. Д.А.Алимова; АНРУз, Ин-т истории.– Т.: Фан, 2012. – 776 с.

<sup>10</sup> Бу даврда Туркистон ўлкаси иқтисодиётининг Россия капитали билан қоришувини кузатиш мумкин. Қаранг: Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари... – Б. 147.

тадқиқотларда Россия империяси маъмуриятининг савдо, ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалигини, айниқса, янги ерларни ўзлаштириш, ирригация лойиҳаларини амалга ошириш, пахтачиликни ривожлантириш борасида олиб борган тадбирлари табиийки, Сурхон воҳасининг хўжалик ҳаётига ҳам таъсир қилган<sup>11</sup>. Бу каби илмий тадқиқотлар мазкур диссертация учун муҳим илмий-назарий аҳамиятга эга бўлди.

Маълумки, муайян давлатнинг жойлашган географик ўрни, иқлим шароитлари қадим даврлардан бошлаб аҳоли хўжалиги турли йўналишларининг қарор топишига олиб келган. Табиий иқлим омили асосида шаклланган хўжалик типларини ўрганиш учун “хўжалик-маданий типлар” концепцияси ишлаб чиқилган<sup>12</sup>. Хўжалик-маданий жиҳатдан сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончилик ҳамда анъанавий чорвачиликни лалми деҳқончилик билан қўшиб олиб борадиган ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳоли хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари шаклланган Сурхон воҳаси учун ҳам мазкур концепция муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотда ўрганилаётган муаммони тўғри ҳал этишда илмийлик, билишнинг холислик, тарихий, қиёсий ва танқидий ўрганиш усуллари билан бирга тизимли-функционал методлардан, шунингдек, ёзма манбалар, этнографик материаллар ҳамда оғзаки тарих методлари ҳам кенг қўлланилган.

Ўтроқ ва кўчманчи халқларнинг хўжалик, савдо-иқтисодий муносабатларини ўрганишда Стефен ва Этел Данн<sup>13</sup>, Абрахам Розман, Паула Рубел<sup>14</sup> ва Фредерик Барт<sup>15</sup> каби машҳур жамиятшунос олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлардан диссертациянинг назарий-методологик асосини шакллантиришда фойдаланилган. Айтиш лозимки, юқорида келтирилган назария, таълимотлар ва усулларнинг бирортасига алоҳида имтиёз бериб бўлмайди. Аксинча уларнинг тадқиқотимиз учун аҳамиятли бўлган жиҳатларидан фойдаланган ҳолда тарихий материалларни ўрганиб, таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур бобда тарихий манбаларнинг тавсифи берилган бўлиб, биринчи гуруҳни маҳаллий муаллифларнинг тарихий асарлари ташкил қилади<sup>16</sup>.

---

<sup>11</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1-китоб ( Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида). – Тошкент: Шарк, 2000. – 463 б.; Ўзбекистон тарихи хрестоматияси. Д.Зияева таҳрири остида – Тошкент, 2014. – 500 б.

<sup>12</sup> Андрианов Б.В. Хозяйственно-культурные типы Средней Азии и Казахстана // Народы Средней Азии и Казахстана. – М., 1963. Т. I. – С. 32 – 37; Левин М.Г., Чебоксаров Н.Н. Хозяйственно-культурные типы и историко-этнографические области // СЭ. 1995. № 4. – С. 3 – 17; Жданко Т.А. Проблемы полуседлого населения в истории Средней Азии и Казахстана. // СЭ. 1961. № 2. – С. 53 – 63; Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX – XX аср бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 215 б.; Шу муаллиф. Этнологияда “хўжалик-маданий типлар” тушунчаси // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. – Тошкент-Наманган, 2007. – Б. 8 – 11.

<sup>13</sup> Stephen P. Dunn, Ethel Dunn. Soviet regime and native culture in Central Asia and Kazakhstan: The major peoples // Current Anthropology, vol. 8, No. 3 (Jun., 1967), pp. 147 – 208.

<sup>14</sup> Abraham Rosman, Paula G. Rubel. Nomad-Sedentary relations in Iran and Afghanistan // International Journal of Middle East Studies, vol. 7, No. 4 (Oct., 1976), pp. 545 – 570.

<sup>15</sup> Barth. F. Ethnic groups and boundaries (Introduction). – Oslo, 1969; Ecologic relationships of ethnic groups in Swat, North Pakistan // American Anthropologist, vol. 58 (6). 1956. pp. 1079 – 1089.

<sup>16</sup> Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук / Форс-тожик тилидан эркин таржима, сўзбоши, изоҳлар муаллифи Ж. Эсонов. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. – 271 б.;

Иккинчи гуруҳ Россия протекторати даврида воҳага келган олим ва сайёҳларнинг асарлари, кундалик ҳамда эсдаликларидан иборат<sup>17</sup>.

Учинчи гуруҳга архив ҳужжатлари киради. Булар, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА)да сақланаётган И-1–Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси, И-2 – Туркистон генерал-губернаторлиги қошидаги дипломатик амалдор, И-3 – Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги, И-7–Туркистон ўлкасида ер эгалиги ва давлат мулки бошқармаси, Р-27 – Туркистон АССР Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши, Р-47 – Бухоро Халқ Совет Республикаси Марказий ижроия кўмитаси, Р-48 – Бухоро Халқ Совет Республикаси Халқ Нозирлар кенгаши, Р-53 – Бухоро Халқ Совет Республикаси савдо ва саноат халқ нозирлиги, И-126 –Бухоро амирлиги кўшбегиси, Ф-596 –Туркистон ўлкасининг Бутунроссия мануфактура кўргазмасида иштироки комиссияси, 1396 – Россия Давлат Ҳарбий тарих архивининг “Туркистон ҳарбий округи штаби” ва Сурхондарё вилояти давлат архивидаги 4, 65, 81-фондлари материалларидан иборат.

Тўртинчи гуруҳни ўзбек ва рус тилидаги даврий матбуот материаллари, яъни “Ойна”, ”Бухорои шариф”, ”Турон”, “Садои Туркистон” “Туркестанский сборник”, “Туркестанские ведомости”, “Туркестанский курьер”, “Народное хозяйство в Туркестане”, “Русский инвалид”, “Военная мысль”, “Ташкентский курьер”, “Вестник ирригации”, “Туркестанское сельское хозяйство” каби журнал ва газеталарда чоп этилган мақолалар ташкил қилади<sup>18</sup>.

---

Абдурахман-и Тали. История Абулфейз-хана / Перевод с тадж. предис. прим. и указ. проф. А.А.Семенова. – Ташкент, 1959. – 176 с.; Мирза Бади-диван. Маджма ал-аркам (предписания фиска, приёмы документации в Бухаре XVIII в.). Факсимиле рукописи, введение, перевод, примечания и приложения А.Б.Вильдановой. – Москва: Наука, 1981. – 122 (+198); Мухаммед Шариф ибн Мухаммед Наки. Таж ат-таварих. – Рукоп. Ин-та Востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз.; Мухаммед Вефа-йи Керменеге. Тухфат-ал-хани / Пер. В.Л. Вяткина. – Самарканд, 1899; Мирза Абдал Азим Сами. Тарих-и салатин-и Мангитийа (история мангытских государей). / Издание текста, пред. перевод и прим. Л.М.Епифановой. – Москва: Восточная литература, 1962. – 178 (+127 л.); Ахмад Дониш. История мангытской династии. – Душанбе: Дониш, 1967. – 142с.; Мирза Салимбек. Тарихи Салим-и (источник по истории Бухарского эмирата). – Ташкент: Akademiya, 2009. – 330 с.; Мухаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий. – Тошкент: Академия, 2001. – 121 б.

<sup>17</sup> Ананьев А.Г. Орошение Ширабадской долины водами реки Сурхана. – Ташкент, 1911. – 56 с.; Шу муаллиф. Шерабадская долина. – СПб., 1914. – 87 с.; Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб., 1909. – 239 с.; Шу муаллиф. В забытой стране. Путевые очерки по Средней Азии. – Москва, 1912. – 180 с.; Шу муаллиф. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т. I. – СПб., 1911. – 218 с.; Т. II. – СПб., 1911. – 340 с.; Маев Н. Очерки Бухарского ханства // Материалы для статистики Туркестанского края. (Бундан буён – МСТК). Вып.5. – СПб., 1879. – 400 с.; Покотило Н.Н. Отчет о поездке в пределы Центральной и Восточной Бухары в 1886 г. – Ташкент, 1888. – 113 с.; Шу муаллиф. Путешествие в Центральную и Восточную Бухару в 1886 г. // Записки Русского географического общества. – СПб., 1889. – С. 480 – 502; Арандаренко Г.А. Досуги в Туркестане. – СПб., 1889. – 666 с.; Борнс А. Путешествие в Бухару. Ч.1. – Москва, 1848. – 528 с.; Шу муаллиф. Путешествие в Бухару. Ч. 2. – Москва, 1849. – 628 с.; Губаревич-Радобильский А. Экономический очерк Бухары и Туниса. – СПб., 1905. – 372 с.; Грулев М. В. Аму-Дарья. – Ташкент, 1900. – 92 с.; Шу муаллиф. Некоторые географико-статистические данные, относящиеся к участкам Аму-Дарьи между Чорджуем и Патта-Киссаром // Известия Туркестанского отдела русского географического общества. Т. 11. – СПб., 1900. – С. 5 – 87; Семенов-Тянь-Шанский В.П. Россия. Полное географическое описание. Т. 19. Туркестанский край. – СПб., 1913. – 860 с.

<sup>18</sup> Рауф Музаффарзода. Тупроқ надур // Садои Туркистон, 1914. № 14; Ғўзанинг янги навлари // Туркистон вилоятининг газети, 1885. № 3; Арандаренко Г. Коневодство // Туркестанские ведомости, (Бундан буён – ТВ) 1881. № 9. – С. 67; Маев Н.А. Долина Сурхана // ТВ, 1879. № 36. – С.18 – 26; Шу муаллиф. Реконгносцировка горных путей в Бухарском ханстве // Известия русского географического общества. Т.15. – СПб., 1879. – С.87 – 99; Мазов С. Восточная Бухара, Бадахшан и северный Афганистан // Туркестанский

Манбаларнинг бешинчи гуруҳи Россия империяси даврида нашр қилинган статистик тўпламлардаги маълумотлардан иборат. Уларда воҳанинг географик ва стратегик ўрни, ички ва ташқи савдо йўллари, ҳунармандчилиги, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилиги каби масалалар ёритилган<sup>19</sup>.

Олтинчи гуруҳга тааллуқли манбаларни муаллиф томонидан кўп йиллар давомида Сурхон воҳасиннинг турли ҳудудларида олиб борилган изланиш ва сўровлар натижасида тўпланган ахборотлар ташкил этади. Хусусан, ўрганилаётган мавзуга оид муҳим, бошқа манба ва адабиётларда учрамайдиган турли ёшдаги респондентларнинг маълумотлари йиғилган. Мазкур маълумотларнинг аксарияти биринчи марта илмий тадқиқот доирасига киритилди.

Ўз навбатида адабиётлар уч гуруҳга бўлиб ўрганилди. Биринчи гуруҳ адабиётлари совет даври тарихчилари томонидан ёзилган асарлар бўлиб, уларнинг асосий қисмида амирлик тарихи, ундаги сиёсий-иқтисодий ва маданий жараёнлар марксча-ленинча ҳукмрон мафкура ғоялари ҳамда мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёритилган. Бундай ҳолат муаллиф томонидан мазкур гуруҳга мансуб адабиётлардаги кўпчилик маълумотларга танқидий нуқтаи назардан баҳо берилишини ва таҳлил қилишни тақозо этади<sup>20</sup>.

---

сборник. Т. 404. – С. 5 – 26; Скворцов А. Очерк овцеводства и козоводства в Туркестане // ТВ, 1912. № 200, 201, 204; Семёнов А. По границам Бухары и Афганистан // Туркестанский сборник, Т. 554. – С. 1 – 14; Кастальский Б.Н. Историко-географический обзор Сурханской и Ширабадской долины // Вестник ирригации, 1930. № 4. – С. 1 – 19; Гр. Андреев В. Сарасиинском бекстве // ТВ, 1916. № 9; Шу муаллиф. В Дехнавском бекстве // ТВ, 1916. № 196, 200, 204.

<sup>19</sup> Покотило Н.Н. Очерк Бухарских владений на левом берегу река Пянджа //Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. (Бундан буён – СМА). Вып. 25. – СПб., 1886. – С. 274 – 278; Полковник Галкин. Маршрутные описание дорог пролегающих по долине правый берега реки Сурхана // СМА. Вып. 57. – СПб., 1894. – С. 385 – 393; Шу муаллиф. Военно-статистический очерк средней и южной частей Сурханской долины // СМА. Вып. 57. – СПб., 1894. – С. 364 – 384; Поручик Караульщиков. Маршрут от города Денау до Патга-Киссара // СМА. Вып. 57. – СПб., 1894. – С. 394 – 398; Капитан Васильев. Маршрутное описание дороги от Келифа до Патга-Киссара 1893 //СМА. Вып. 57. – СПб., 1894. – С. 403 – 405.; Шу муаллиф. Статистические материалы для описания Бухары. Бекства Шерабадское часть Байсунского // СМА. Вып. 57. – СПб., 1894. – С. 399 – 402; Шу муаллиф. Маршрутное описание дороги от г. Шерабада до г. Байсуна. 1893 // СМА. Вып. 57. – СПб., 1894. – С. 405 – 407.

<sup>20</sup> Бартольд В.В. Термез // Сочинения. Т. 3. – Москва: Наука, 1965. – С. 507; Шу муаллиф. К истории орошения Туркестана // Сочинения. Т. 3. – Москва: Наука, 1965. – С. 158 – 159; Семенов А.А. Очерк поземельно-податного и налогового устройства в Бухарском ханства // Труды САГУ. Серия II. Вып.1.– Ташкент, 1929; Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент,1922. – 45 с.; Басов Д. Пайкалы Шерабадской долины // За реконструкцию сельского хозяйство. – Самарканд, 1929; Чехович О.Д. Бухарские поземельные акты XVI– XIX вв.// Проблемы источниковедения. Т. 4. – М., 1955 ; Шу муаллиф. О некоторых вопросах истории Средней Азии XVII– XIX вв. // Вопросы истории. 1956, № 3; Шу муаллиф. Некоторые, среднеазиатские аграрные термины. // Народы Азии и Африки. 1964. № 2; Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (со второй половины XIX столетия до первой мировой войны). – Ташкент,1959. – 298 с.; Бунаков Е.В. К истории сношений России со Среднеазиатскими ханствами в XIX в. // Советское востоковедение. – Москва, 1941. Вып. 2. – С. 24 – 26; Абдураимов М. А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI – первой половине XIX вв. Т. 1. – Ташкент, 1966; Шу муаллиф. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI – первой половине XIX века. Т. 2. – Т., 1970; Иноятлов Х. Очерки по истории Средней Азии XVII – середина XIX вв. – Москва: Восточная литература, 1958. – 247 с.; Хальфин Н.А. Политика России в Средней Азии (1857 – 1867). – Москва: Восточная литература, 1960. – 272 с.; Шу муаллиф. Россия и Бухарский эмират на Западном Памире (конец XIX – начало XX вв.). – Москва: Восточная литература, 1960. – 127 с.; Шу муаллиф. Россия и ханства Средней Азии. – Москва: Наука, 1974. – 406 с.; Зиёев Ҳ. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI – XIX асрлар). – Тошкент: Фан,

Иккинчи гуруҳни мустақиллик даврида яратилган Бухоро амирлиги тарихига оид адабиётлар ташкил этади. Бу борада амирликнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи, маданий ҳаётнинг маълум жиҳатларини илмий тадқиқ этаётган олимлардан Ҳ.З.Зиёев, Р.Г.Мукминова, Г.А.Агзамова, Д.Ҳ.Зиёева, Ш.Ҳ.Воҳидов, Қ.К.Ражабов, Н.У.Мусаев, С.Н.Турсунов, С.Б.Шодмоноваларнинг ишларини таъкидлаш ўринли<sup>21</sup>.

---

1962. – 164 б.; Шу муаллиф. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари. – Тошкент, 1965; Шу муаллиф. Узбеки в Сибири. –Ташкент, 1967; Шу муаллиф. Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. – Тошкент, 1973; Шу муаллиф. Экономические связи Средней Азии с Сибирью. – Ташкент, 1985; Мухаммеджанов А.Р. История орошения Бухарского оазиса. – Ташкент, 1978; Батраков В.С. Особенности развития сельского хозяйства Бухарского ханства с половины XVIII до 70-х г. – XIX вв. // Труды ТашГУ. Вып. 193. – Ташкент, 1962; Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки. – Ташкент: Фан, 1964. – 195 с.; Шу муаллиф. Основные отрасли животноводства в дореволюционном Узбекистане // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – Москва: Наука, 1975. – С. 188 – 193; Кармышева Б.Х. Типы скотоводства в южных районах Узбекистана и Таджикистана // Советская этнография, 1969. № 1. – С. 44 – 49; Шу муаллиф. Узбеки-локайцы южного Таджикистана. – Сталинабад, 1954. – 169 с.; Маджлисов А. Аграрные отношения в восточной Бухаре в XIX–начале XX века. – Душанбе-Алма-ата, 1967; Мирзаев К.М. Амляковая форма феодальной-земельной собственности в Бухарском ханстве. – Ташкент, 1954; Полозов В.А. Узбекское общинное землепользование в Ширабадской долине и Каршинской степи // Народное хозяйство Средней Азии, 1925. № 7; Хидоятов И. О характере сельского хозяйства многонациональных районов Сурхандарьинской области в дореволюционное время // СЭ, 1970. № 2; Хакимова К.З. Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX вв. – Ташкент, 1991; Абдулхамидов А. Орошение в предгорьях Узбекистана. – Ташкент, 1990; Лунин Б. Материалы к историографии истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – Москва: Наука, 1975. – С. 22 –41; Ефимов В.И. К вопросу о взаимоотношениях России с Бухарой с конца XVIII до середины XIX в.// Труды СамГУ: Материалы по истории Узбекистана. Новая серия. – Самарканд, 1964.–С. 23 –42; Гулямов Х.Г. К истории связей между Россией и Бухарой во второй половины XVIII в. // ОНУ, 1976. № 7.

<sup>21</sup> Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII – XX аср бошлари). – Тошкент: Шарқ, 1998; Шу муаллиф. Ўзбекистон пахта яккахокимлиги учун кураш –Тошкент, 1999; Шу муаллиф. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи (милоддан аввалги асрлардан то 1991 йил 31 августгача). – Тошкент: Шарқ, 2001; Шу муаллиф. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исқанжасида. – Тошкент: Шарқ, 2006; Мукминова Р.Г. Бухара – торгово-ремесленный центр средневековой Центральной Азии // Бухара и мировая культура (динамика культурного процесса в столицах восточных цивилизаций). Материалы V Международного симпозиума “Бухара и мировая культура”. Вып. 1. Ташкент, 1997; Шу муаллиф. Взаимодействие оседлой и кочевой цивилизации как один из факторов исторического развития народов Центральной Азии//Цивилизации Центральной Азии: земледельцы и скотоводы, традиции и современность. Тезисы докладов Международной научной конференции. Самарканд, 2002; Шу муаллиф. Торгово-дипломатические и культурные взаимосвязи городов Узбекистана и восточных стран // International Journal of Central Asian Studies. 2003. Vol. 8; Мукминова Р.Г., Агзамова Г.А. Традиции государственности и их развитие в узбекских ханствах//Очерки по истории государственности Узбекистана. –Ташкент, 2001. – С. 105 – 118; Агзамова Г.А. Сўнги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида хунармандчилик ва савдо. – Тошкент, 2000; Шу муаллиф. Города среднеазиатских ханств: неравномерное развитие социально-экономической и культурной жизни // Урбанизация и нomaдизм в Центральной Азии: история и проблемы. Материалы Международной конференции. Алматы, 2004; Зиёева Д.Ҳ. Туркистонда миллий озодлик харакати. – Тошкент, 1999; Воҳидов Ш.Ҳ. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унwon ва мансаблар. – Тошкент, 1996; Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. – Тошкент, 2006; Ражабов Қ. Мухаммад Раҳимхон – мангитлар сулоласи асосчиси // Бухоро мавжлари. 2005. № 3. – Б. 36 – 37; Шу муаллиф. Мухаммад Дониёлбий оталик: бийлик мансабидан амирлик рутбасигача // Бухоро мавжлари. 2005. № 4. – Б. 26 – 27; Шу муаллиф. Амир Шоҳмурод ёхуд амири маъсум (Турон тарихида унинг тутган ўрни) // Бухоро мавжлари. 2006. № 1; Шу муаллиф. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Мухаммад Ҳақимбий оталик, Мухаммад Раҳимхон, Амир Музаффар, Амир Олимхон (6-жилд), Амир Шоҳмурод (10-жилд), Амир Ҳайдар (11-жилд); Шу муаллиф. Насруллохон. – Тошкент, 2011; Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент, 2016; Мусаев Н. Ўрта Осиёда деҳқончилик маданияти ва аграр муносабатлар тарихидан (Тош даври охиридан XX аср бошларигача). – Тошкент, 2005; Шу муаллиф. XIX асрнинг II ярми – XX бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. – Тошкент, 2008.; Турсунов С., Қобулов Э. ва бошқ. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент, 2001; Турсунов С., Қобулов Э. ва бошқ. Сурхондарё тарихи. – Тошкент, 2003; Турсунов С. ва бошқ. Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. – Тошкент, 2013; Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Тошкент: Янги нашр, 2011.

Учинчи гуруҳдан хорижий муаллифлар А.Вамбери<sup>22</sup>, А.Бернс<sup>23</sup>, М. Холдсворт, Г. Мейендорф, Г. Бонвалот, Жорж Фредрик Райт, Ж. Кунит<sup>24</sup>, Анке фон Кюгельген<sup>25</sup> ва бошқа тадқиқотчиларнинг асарлари жой олган. Мазкур олимларнинг ишларида Бухоро амирлигининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихи доирасида Шарқий Бухоро ҳудудларига кирган Сурхон воҳаси ҳақида айрим қайдлар мавжуд бўлиб, уларда давлат бошқаруви масалаларига ҳам эътибор берилган.

Хуллас, жануби-шарқий Бухоро тарихига оид манбаларда ўрганилаётган давр хўжалик тарихи комплекс тарзда ёритилмаган ва алоҳида илмий мавзу сифатида таҳлил этилмаган. Тадқиқотларда ҳудуднинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид манбалар қисман илмий таҳлил этилишига қарамай, Жануби-Шарқий Бухоро бекликларининг хўжалиги, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда кўп тармоқли хўжаликнинг бошқарув тизими яхлит ўрганилмаган. Булар эса мавзунинг алоҳида тадқиқот объекти сифатида таҳлил қилинишига имкон беради.

Диссертациянинг **“Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Сурхон воҳаси бекликларининг сиёсий бошқаруви ва маъмурий-ҳудудий тизими”** деб номланган иккинчи бобида Бухоро амирлиги шарқий бекликларининг сиёсий ҳаёти ҳамда маъмурий-бошқарув тизимидаги ўзгаришлар таҳлил қилинган.

Сурхон воҳаси қадимдан Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган муҳим стратегик ҳудуд бўлганлиги сабабли тарихнинг барча давларида ҳукмдорлар диққат-эътиборида бўлгани ва энг қайноқ сиёсий жараёнлар шу ерда кечгани тадқиқ қилинган. Маълумки, Сурхон воҳаси манғитлар ҳукмронлиги арафасида яхлит ҳудуд эмас эди. Манғит ҳукмдорлари асосчиси саналмиш Муҳаммад Раҳимбий мамлакат ҳудудий яхлитлигини сақлаш, давлат чегараларини мустаҳкамлаш борасида муҳим тадбирларни амалга оширди<sup>26</sup>. У Бухоро-Балх ва Бухоро-Ҳисор йўлида жойлашган Сурхон воҳасининг муҳим стратегик ҳудуд эканлигини тўғри англаган. Тарихчи Муҳаммад Вафо Карминагийннинг маълумотларига кўра, Муҳаммад Раҳимбий Сурхон воҳаси ҳудудларига уч марта юриш қилган ва янги маъмурий бирликларни ташкил этган<sup>27</sup>.

Шарқий Бухоро бекликлари сиёсий ҳаётидаги инқирозли дамлар амир Музаффар даврида ўзининг юқори нуқтасига чиқди. Унинг тахтга ўтириш

<sup>22</sup> Вамбери А. История Бухары или Трансоксании с древнейших времен до настоящего. – СПб., 1873. – Т. 1-2. – 274; 228 с.

<sup>23</sup> Борнс А. Путешествие в Бухару. Т. 1-2. – Москва, 1848 – 1849. – 528; 628 с.

<sup>24</sup> Holdsworth. Turkestan in the nineteenth century. A Briethistory of the khanates of Bukhara, Kokand and Khiva. – Oxford, 1959. Introduction; Meyendorf G. Voyage d Orenburg a Bouckara fait en 1820.– Paris, 1826; Bonvalot G. Through the heart of Asia.Over the Pomir to India.Vol. 2. – London, 1889. – 249 p.; Wright George Fredorick. Asiatic Russia. – New York, 1903. 2 vols; Kunits J. Dawn over Samarkand The rehirth of Central Asia.– NewYork, 935. – P. 22 – 23.

<sup>25</sup> Анке Фон Кюгельген. Легитимация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII – XIX веков). –Алматы: Дайк-Пресса, 2001. – 514 с.

<sup>26</sup> История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.).–Ташкент: Фан, 2012. – С. 181.

<sup>27</sup> Массон М.Е. Городища старого Термеза и их изучение // ТАКЭ, 1936. Вып. 2. – Ташкент: Фан, 1941 – С. 11.

маросимида бу ҳудуд ҳукмдорларининг иштирок этмагани ва ўзбошимчалиги амир Музаффарнинг ҳарбий юришига баҳона бўлди<sup>28</sup>. Амир Музаффар Шарқий Бухоро бекларининг ўзбошимчалигига чек қўйиш учун катта қўшин билан Ҳисорга қараб юради, Денов қалъаси амир қўшинлари томонидан эгалланади. Денов беги Абдулкарим додхо ва унинг 20 га яқин ҳаммаслаклари Дарбандда қатл қилинади<sup>29</sup>.

Бироқ Ҳисор ўлкаси аҳолисининг Бухоро амирлигига қарши норозилиги тўхтамади, 1868 йилги Зирабулоқ шартномасидан бухороликларнинг Россия империяси босқинига қарши озодлик курашига Абдулмалик Катта Тўра раҳбарлик қилди<sup>30</sup>. Унинг бу ҳаракатини шарқий бекликлари аҳолиси ҳам қўллаб, яна кўтарилди. Кўзғолон маркази яна Денов беклиги ҳудуди бўлиб, унинг раҳбари Абдулмаликнинг маслакдоши, Денов беги Улуғбек эди. Амир Музаффархон кўзғолон кўтарган Ҳисор ва Кўлоб бекликлари, айниқса Денов беклиги аҳолисини қаттиқ жазолаган<sup>31</sup>. Бухоро амирлигига қарши халқ ҳаракатлари 1878 – 1879 йиллари Денов ва Шеробод бекликларида ҳам давом этди. Доктор Яворскийнинг ёзишича, Бухоро амирлигида вазият унчалик тинч бўлмаган, Шеробод беги Қоратоғдаги кўзғолонни бостириш учун жўнаб кетган<sup>32</sup>. Бухоро амири Шарқий Бухоро ерларидаги ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун доимий қўшин сақлаб туришга мажбур бўлган. XIX асрнинг 70-йилларида Шерободда 300, Бойсунда 300, Деновда 500, Сариосиёда 500 кишилик навқар ҳаракатда бўлди, умуман, Шарқий Бухоро ерларида амир 6 минг кишилик қўшинни сақлаб турди<sup>33</sup>.

Россия империяси қўшинларининг Ўрта Осиёга ҳарбий ҳаракатлари бошланиши билан Бухоро, Хива ва Кўкон хонликларига афғон ҳукумати вакиллари (инглиз ҳукумати тазйиқи остида)нинг миссиялари келиши кучайди. Ҳатто афғон ҳукумати Бухоро амиридан Қарши, Карки, Чоржўй, Термиз ва бошқа чегара шаҳарларни Афғонистонга беришни талаб этди<sup>34</sup>.

Афғонистондаги нотинч сиёсий вазият, айниқса 1887 йилда кўтарилган йирик кўзғолон Россия империясининг Шарқий Бухоро ҳудудларида, хусусан, Карки ва Термизда ҳарбий истехком куриш ишларини тезлаштирди<sup>35</sup>. Россия империясининг Сурхон воҳасига қизиқишининг икки сабаби бор эди: биринчидан, Афғонистон ҳудуди орқали инглизларнинг Ўрта Осиёга кириб келишининг олдини олиш, иккинчидан, рус маҳсулотлари учун арзон бозорни шакллантириш, тўқимачилик фабрикаларини пахта билан таъминлаш эди. Россия империяси Бухоро амирлигининг жанубий сарҳадлари орқали ўтадиган йўللарни ўрганиш мақсадида 1675 йилданок

<sup>28</sup> Ражабов Қ. Мунгли кечмиш ёхуд тарихдан бир сабоқ // Ёшлик, 2014. № 5. – Б. 5.

<sup>29</sup> Маев Н. Очерки Бухарского ханства // МСТК. Вып. 5. – СПб., 1879. – С. 175 – 176.

<sup>30</sup> Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент, 2015. – Б. 96.

<sup>31</sup> Bunvalot . Through the heart of Asia. Over the Pomir to India. Vol.2.– London, 1889. – P. 220.

<sup>32</sup> Яворский И.Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878 – 1879. Т.1. – СПб., 1882. – С. 370.

<sup>33</sup> ЎзР МДА, И 2-жамғарма, 27-рўйхат, 3-иш, 2-варақ.

<sup>34</sup> Халфин Н.А. Английская колониальная политика в Среднем Востоке. – Ташкент, 1957. – С.17.

<sup>35</sup> Логофет Д.Н. Страна бесправия. – СПб., 1909. – С. 75.

ўзининг элчилик-жосуслик экспедицияларини жўнатганди<sup>36</sup>. Айниқса, Термиз шаҳрига алоҳида эътибор қаратилди. Империя ҳукумати Термизга ҳарбий қалъа сифатидагина эътибор бермай, балки Россиянинг марказий районларидан аҳолини кўчириб келтириш<sup>37</sup>, шунингдек, келажакда Ҳиндистон йўналишидаги ҳарбий таянч марказ сифатида ҳам қараган<sup>38</sup>. Шу сабабли 1897 йилда Термизда умумий узунлиги 10 км бўлган ҳарбий қалъа ва умумий майдони 6 гектардан иборат Тупроққўрғон барпо қилинди<sup>39</sup>.

Маълумки, сиёсий ўзгаришлар туфайли Сурхон воҳаси манбаларда турлича номланиб келинган: Шарқий Бухоро<sup>40</sup>, Марказий Бухоро<sup>41</sup> ва Амударё Бухороси каби<sup>42</sup>. Бу, ўз навбатида, воҳа ҳудудида беклик ва амлоқлар сонининг ўзгариб туришига сабаб бўлган. XVIII – XIX аср ўрталарига қадар Шеробод, Денов, Бойсун, Юрчи бекликлари мавжуд бўлган<sup>43</sup>. XIX асрнинг 90-йилларида Сурхон воҳаси ҳудудлари Марказий Бухоро таркибида бўлган ҳамда Шеробод, Денов, Бойсун, Сарижўй, Пошхўрд бекликларига ажратилган ҳолда идора қилинган<sup>44</sup>. XX аср бошларига келиб яна муҳим таркибий ўзгаришлар юз берган ҳамда воҳа Шеробод, Денов, Бойсун ва Сарижўй вилоятларига бўлинган ҳолда бошқарилган<sup>45</sup>. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, воҳа бекликларининг Бухоро-Ҳисор йўлида жойлашганлиги уларни Бухоро-Ҳисор ўртасидаги доимий ҳарбий тўқнашувларга тортиб турган. Бу эса ҳудуд бошқарувида ҳам ўзгаришларни келтириб чиқарган. Масалан, 1868 йилда Абдулмалик Катта Тўра исёнини бостиришдаги садоқати учун Бойсун беги Муҳаммад Юсуфга, бекликдан узокда жойлашган бўлса ҳам, Зарабоғ, Бузравот, Пошхўрд ва Какайди амлоқлари тортиқ қилинган<sup>46</sup>. Бундан ташқари, бекларга амир олдида хизмати эвазига турли совға-саломлар билан бирга, айрим амлоқликлар ва ҳатто бекликлар ҳам тортиқ қилинган. Шу маънода Дахпаракент амлоқлигининг гоҳ Бойсун, гоҳ Ғузор, гоҳ Шеробод бекликлари таркибига ўтиб туриши бунинг далилидир<sup>47</sup>.

Архив маълумотларига кўра, амирлик вилоятларини кўшбеги, бий, додхоҳ, судур, девонбеги, тўқсабо унвонидаги амалдорлар бошқарган. Масалан, Шарқий Бухоро бекликларидан Ҳисорда Останакулбек бий кулли

<sup>36</sup> Логофет Д.Н. На границах Средней Азии. Кн. III. Бухарско-афганская граница. – СПб., 1909. – С. 6 – 7.

<sup>37</sup> ЎзР МДА, 1396-жамғарма, И-2-рўйхат, 1490-иш, 59-варақ.

<sup>38</sup> ЎзР МДА, 1396-жамғарма, И-2-рўйхат, 259-иш, 8-варақ; И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 296-иш, 273-варақ.

<sup>39</sup> ЎзР МДА, И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 315-иш, 236-варақ.

<sup>40</sup> ЎзР МДА, 126-жамғарма, 2-рўйхат, 844-иш, 1- варақ.

<sup>41</sup> Покотило Н.Н. Отчет о поездке в пределы Центральной и Восточной Бухары в 1886 г. – Ташкент, 1888. – С. 57.

<sup>42</sup> ЎзР МДА, И-2-жамғарма, 1-рўйхат, 251-иш, 11-варақ.

<sup>43</sup> Очилдиев Ф. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. – Тошкент, 2008. – Б. 56.

<sup>44</sup> Покотило Н.Н. Отчет о поездке в пределы Центральной и Восточной Бухары... – С. 74-79.

<sup>45</sup> Населенные пункты Бухарского эмирата. – Ташкент: Университет, 2001. – С. 10-157.

<sup>46</sup> Мирза Абдал Азим Сами. Тарихи салатини Мангитийа. – Москва: Изд. Восточной литература, 1962. – С. 109.

<sup>47</sup> Полковник Галкин. Краткий военно-статистический очерк о Бухарском ханстве и о южной части Самаркандской области // СМА. Вып.57. – СПб., 1894. – С. 28.

қўшбеги, Шерободда Абдулхафизбек бий додхоҳ, Бойсунда Мирза Салимбек бий ва бошқалар ҳокимлик қилганлар<sup>48</sup>.

Хуллас, Сурхон воҳаси Бухоро амирлигининг сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Айниқса, Россия империяси ва Англия мустамлакачилари манфаати тўқнашган ҳудуд бўлганлиги сабабли унинг стратегик мавқеи янада ошган. Манғитлар даврига келиб, яхлит ҳудудга айланган воҳанинг маъмурий бошқарув тизими Бухоро амирлиги манфаатлари нуқтаи назаридан ташкил этилган.

Диссертациянинг **“Воҳа бекликларида аграр муносабатлар ва хўжалик юритиш механизми”** деб номланган бобида қишлоқ хўжалиги ва унинг ривожланиш омиллари, Россия империясининг Сурхон воҳаси хўжалигига таъсири, минтақадаги деҳқон хўжалиқларининг дифференциацияллашуви, суғориш тизимидаги ўзгаришлар ва инновациялар, анъанавий меҳнат қуроллари ҳамда агротехника масалалари ёритилган.

Бухоро амирлиги аҳолисининг хўжалик ҳаётида қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутди, хусусан деҳқончилик<sup>49</sup>. Сурхон воҳаси Бухоро амирлигининг деҳқончилик маданияти ривожланган ҳудудларидан бири бўлиб, бунга иқлимнинг қулайлиги, сувнинг кўплиги ва ўзлаштирилмаган унумдор ерларнинг мавжудлиги асосий омил бўлиб хизмат қилгани ўрганилган<sup>50</sup>.

Сурхон воҳаси ҳудуди Шерободдарё ва Сурхондарё оқадиган меридианал йўналишда чўзилган тоғлараро воҳадан иборат. Воҳа шимоли-шарқдан Ҳисор ва Қабодиён бекликлари, ғарб ва шимоли-ғарбдан Ғузор беклиги ҳамда ғарбдан Калиф беклиги, жанубдан эса Амударё бўйлаб Афғонистон билан чегарадош бўлиб, уч томондан тоғ тизмалари билан ўралган ва бу тизмалардан Тўпаланг, Хўжаипок, Шеробод ва бошқа дарёлар оқиб тушади. Воҳа иқлим шароити бўйича Ўрта Осиёнинг қадимдан пахта етиштириладиган асосий майдони ҳисобланган ва бу ерда ғўзанинг кўк, малла ва қора чигитли навлари экилган<sup>51</sup>.

Сурхон воҳасида сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончилик, тоғ ва тоғолди ғаллачилиги, боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик ҳамда анъанавий чорвачиликни деҳқончилик билан қўшиб олиб борган ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳоли хўжалиги турли табиий-географик шароитга қараб шаклланган. Воҳанинг сунъий суғоришга асосланган ҳудудларида аҳолининг қадимдан катта ғаллачилик тажрибасига эгаллиги сабабли мўл ҳосил олинганлиги XVII асрда яшаган балхлик олим Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ал-асрар фи манакиб ал-ахйар” асарида ҳам қайд этилган<sup>52</sup>. Тадқиқ қилинган даврда ҳам Сурхон воҳаси ғаллачиликда Бухоро амирлигининг асосий хом ашё базаларидан бири бўлган. Буни XIX асрнинг 80-йилларида

<sup>48</sup> ЎзР МДА, 126-жамғарма, 1-рўйхат, 48-иш, 1, 2, 2-варақнинг орқа томони.

<sup>49</sup> Абдурахман-и Тали. История Абулфейз-хана. – Ташкент, 1959. – С. 19.

<sup>50</sup> ЎзР МДА, И-2-жамғарма, 1-рўйхат, 251-иш, 12-варақ.

<sup>51</sup> ЎзР МДА, 96-жамғарма, 1-рўйхат, 3-иш, 6-варақ.

<sup>52</sup> Маҳмуд Ибн Вали. Море тайн. – Ташкент: Фан, 1977. – С. 34, 58.

воҳада аҳоли эҳтиёжидан ташқари 55 минг ботмон дон етиштирилганлиги ҳам тасдиқлайди<sup>53</sup>.

Бойсун ва Деновнинг шимоли-ғарбий қисмлари ҳамда Шеробод, Сариосиё, Узун ҳудудларининг тоғли минтақалари, Кўхитанг ва Бойсунтоғ тоғолди ва тоғорти қишлоқлари, Ҳисор тоғ ва тоғолди ҳудудларида лалмикор деҳқончилик ривожланган<sup>54</sup>. XX аср бошларида Шеробод беклигида деҳқончиликка яроқли экин майдонларининг 34,1 фоизини, Бойсунда 86,2 фоизини, Деновда 62,4 фоизини лалми ерлар ташкил этган<sup>55</sup>. Умуман, мазкур даврда минтақада лалми деҳқончиликнинг кўпайиши оби ерларда пахта экиладиган майдонларнинг кенгайиши билан боғлиқ бўлган<sup>56</sup>.

Бухоро амирлигининг қишлоқ хўжалигида суғорма деҳқончилик етакчи ўрин тутди. Суғорма деҳқончиликда Ҳисор воҳаси, Сурхондарёнинг ўрта оқими хавзаси, Шеробод ва Қабодиён воҳалари, Яхсув (Кўлоб) дарёсининг ўрта оқими бўйлари ҳамда Вахш (Кўрғонтепа) воҳалари амирликда ўз ўрнига эга бўлган<sup>57</sup>. Арпа-буғдой, асосан, кузда экилиб, май-июнь ойларида йиғиштириб олинган. Ҳосил йиғиштириб олингандан сўнг жўхори, кунжут, зиғир, тарик экилган. Пахтадан яхши даромад олинган<sup>58</sup>. Воҳанинг тоғолди ва тоғнинг қуйи қисмларида суғориладиган ерлар камлиги ва бу ерларнинг лалми экинлар учун ҳам ноқулайлиги туфайли ушбу ерларда яшовчи ўтроқ аҳоли боғдорчиликка ихтисослашган. Маҳмуд ибн Вали ҳам Сурхон воҳасининг иқлими боғдорчилик учун ниҳоятда қулайлигини эътироф этгани ҳолда узум ва олмадан мўл ҳосил олиш мумкинлигини таъкидлаган<sup>59</sup>.

Шеробод беклигидаги Тароқли, Қўштегирмон, Денов беклигидаги Дашнобод қишлоқлари анорлари билан нафақат Бухоро амирлигида, балки Ўрта Осиёда ҳам машҳур бўлган. Дашнобод анорлари ҳақида Н.Маев шундай ёзади: “Дашнобод катта ва бой қишлоқ, у ўзининг ширин таъмли анорлари билан машҳур. Дашнобод анорлари бутун Бухоро хонлиги бўйлаб тарқалади. У билан фақат йирик ва ширин Шаҳрисабз анорлари тенглаша олади”<sup>60</sup>. Шаҳрисабз анорлари данаксиз бўлиб, айниқса унинг “бедона” тури машҳур бўлган<sup>61</sup>.

<sup>53</sup> Покотило Н.Н. Отчет о поездке в пределы Центральной и Восточной Бухары... – С.63.

<sup>54</sup> Турсунов С., Пардаев Т. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Сурхондарё этнографияси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. – Б. 84 – 85.

<sup>55</sup> Материалы по районированию Узбекистана. Вып 1. – Самарканд, 1926. – С. 155 – 157.

<sup>56</sup> Уэда Акира. XX асрнинг биринчи ярмида Туркистондаги лалмикорлик деҳқончилик ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбекистон археологияси ва этнологиясининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2015.

<sup>57</sup> Кармышева Б.Х. О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией // Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. – Москва: Наука, 1979. – С. 116.

<sup>58</sup> Грулев М.В. Некоторые географико-статистическая данная относящихся к участку Амударьи между Чорджуем и Паттакессаром // Туркестанский сборник. Т. 474. – С. 69 – 71.

<sup>59</sup> Махмуд Ибн Вали. Море тайн... – С. 59.

<sup>60</sup> Маев Н. Очерки Бухарского ханства... – С. 186 – 187.

<sup>61</sup> Агзамова Г.А. Бухоро амирлиги: қишлоқ хўжалиги ва унинг айрим хусусиятлари // Ўзбекистон деҳқончилик маданиятининг илдишлари ва замонавий жараёнлар. Академик Яхё Ғуломов номидаги Республика илмий семинарининг материаллари. – Тошкент, 2006. – Б. 94.

Бухоро амирлигидаги боғдорчиликнинг муҳим тармоқларидан яна бири узумчилик бўлган<sup>62</sup>. Сурхон воҳасида узумнинг воҳа иқлимига мос турлари: хусайни, оқ кишмиш, қора кишмиш, наҳол, қора бахтиёри, аллаки, тойпи, султони, авак, шувурғони, кампир узум, бешқадок, сопидак, қизил сурхон, гов сурхон, чилги, от бағри сурхак, милдир узум, дилкаптар, эшвой, сабзак, қанёруғ, туятиш, обаки, келинбармоқ каби йигирмадан ортиқ навлари етиштирилган<sup>63</sup>.

Денов ва Бойсун бекликларининг Боботоғ этакларида арча ва пистазор ўрмонлар бир неча километрга чўзилган<sup>64</sup>. Писта тоғ халқининг асосий даромад манбаларидан бири саналиб, ҳосил яхши бўлган йиллари 4 – 5 пудгача писта териш мумкин бўлган. Савдогарлар пистанинг ҳар фунтини 7 тийиндан сотиб олиб, чет давлатларга, хусусан, Россия бозорларига олиб бориб, катта фойда кўрганлар. Одесса шаҳри бозорларида 1 фунт писта 60 тийиндан – 1 рублгача сотилган<sup>65</sup>.

Сурхон воҳаси ўзининг ширин-шакар ўриклари билан ҳам машҳур бўлган. Айниқса, Салавот қишлоғида етиштирилган *бузрукхони* ўриги таркибида қанд миқдорининг 2 баравар кўплиги билан бошқа ўриклардан ажралиб турган. Н.Хаников ўриклар ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Абрикос қуритилиб, ўрик номи билан Россияга жўнатилади. Биринчи навли ўрикнинг бозор баҳоси бошида 8 танга, кейин ҳар ботмони 4 тангадан сотилади. Россияга ўрик мавсум бошида ҳар ботмони 15 тангадан, кейин 1 тиллагача сотилади”<sup>66</sup>.

Воҳада пиёз, сабзи, шолғом каби сабзавот, қовун, тарвуз, бодринг, ошқовоқ (кади) сингари полиз маҳсулотлари, тамаки, пахта каби техник экинлар етиштирилган<sup>67</sup>. Россия империяси истилосидан сўнг қишлоқ хўжалигида картошка, карам, помидор каби янги сабзавот турлари пайдо бўлди. Бу экин турларидан солиқ олиниши уларнинг воҳада анча вақтдан буён экиб келинганлигидан далолат беради<sup>68</sup>.

Сурхон воҳасида қадимдан ширин ва узоқ вақт сақланиб турадиган қовунлар етиштирилган булар: олапўчоқ, оқноввот, кўкча, бўрикалла, амири, заркокил, чапча, откалла, тириш, кўндалангтўр каби ўнлаб турлари шулар жумласидандир. Маҳмуд ибн Валининг ёзишича, Термиз ва Денов атрофида ширин қовунлар етиштирилган<sup>69</sup>. Полиз маҳсулотлари етиштиришдаги бу анъана кейинги даврларда ҳам давом эттирилган. XVIII асрнинг 40-йилларида Бухорода бўлган инглиз сайёҳи А.Бернс Бухоро қовунлари ҳақида: “Мен Бухорога келгунга қадар қовунни полиз экинлари ичида энг ёмони деб ҳисоблаганман. Аммо бу ерда уни таътиб кўриб, ҳинд, ҳобул ва

<sup>62</sup> Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI–первой половины XIX века. – Ташкент, 1966. Т. 1. – С. 222

<sup>63</sup> Турсунов С. ва бошқ. Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. – Тошкент: Мухаррир, 2013. – Б. 264.

<sup>64</sup> ЎЗР МДА, И-2-жамғарма, 1-рўйхат, 351-иш, 2-варакнинг орқа томони.

<sup>65</sup> ТВ, 1910. № 230.

<sup>66</sup> Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С. 128.

<sup>67</sup> ЎЗР МДА, И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 678-иш, 299-варак.

<sup>68</sup> ЎЗР МДА, И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 346-иш, 70-73 вараклар.

<sup>69</sup> Маҳмуд Ибн Вали. Море тайн... – С. 34, 58.

форс қовунларини улар билан қиёслаш мумкин эмаслигини, ҳатто машҳур Исфаҳон қовунлари ҳам Бухоро қовунлари билан тенглаша олмаслигини билдим”, – деб ёзган<sup>70</sup>. Шеробод беклигида амирликнинг бошқа бекликларида учрамайдиган *қўкча* навли қовун экилган. Бу қовун ширинлигидан ташқари узоқ вақт давомида (янги йилгача) сақланиши билан бошқа қовун турларидан фарқ қилади<sup>71</sup>. Шерободда етиштирилган қовунлар Бухоро ҳудудидан ташқарига, ҳатто Россияга ҳам жўнатилган<sup>72</sup>.

Бухоро амирлигининг Россия империяси вассалига айлантирилиши билан қишлоқ хўжалигида ҳам айрим ўзгаришлар юз беради. Пахтага бўлган талабнинг ошиб бориши билан пахта экиладиган майдонлар амирликнинг барча ҳудудларида<sup>73</sup>, шу жумладан, Сурхон воҳасида ҳам кенгайган<sup>74</sup>. Маълумки, пахта асосан Бухоро амирлигининг Сурхондарё, Қашқадарё воҳаларининг Яккабоғ, Китоб, Чироқчи, Қарши, Шахрисабз, Ғузор, Термиз ва бошқа туманларида экилган<sup>75</sup>. Ўз навбатида, пахта навини яхшилаш ишига ҳам эътибор қаратилган. XIX асрнинг 80-йилларидан сифати паст ғўза ўрнига унумдор ва сифатли америка нави экилган<sup>76</sup>. Бухоро амирлигининг барча ҳудудларида бўлгани сингари, Сурхон воҳаси бекликларида ҳам пахта майдонлари кенгайиб борди. Буни полковник Матвеевнинг 1887 йилда Шеробод, Сурхон ва Кофарниҳон ҳудудлари ва Сурхон дарёси бўйларида<sup>77</sup>, капитан Стеткевичнинг Денов ва Миршоди ҳудудларида пахта кўп миқдорда экилганлиги тўғрисидаги маълумотларидан билиш мумкин<sup>78</sup>.

Россия империяси маъмурлари кўз ўнгида Сурхон воҳасида иккинчи Фарғона шаклланди. 1896 йилда Термиз шаҳрида бўлган А.Пословский Салавот ариғи ёрдамида кенг майдонда пахта экилгани, пахтанинг мисоли оппоқ қор билан қоплангандек бўлганини қайд этади<sup>79</sup>. Термиз шаҳрида яшайдиган рус фуқароси Д.Ф.Стовбанинг Россиянинг Бухородаги сиёсий агентига, “Сурхон воҳасида мандарин, чой ва айниқса пахта яхши ҳосил беради”<sup>80</sup>, деб ёзган хати уларнинг қизиқишини янада оширди. Воҳада пахта етиштириш имкониятини янада чуқурроқ ўрганиш учун ҳарбий инженер Ермалаев ва генерал Мендер ҳукумат топшириғи билан келиб, янги ерларни ўзлаштириш орқали бир неча ўн минг десятина ерга пахта экиш мумкин, деган хулосани бердилар<sup>81</sup>.

Маълумки, ёғингарчилик кам, иссиқ иқлимли воҳада аждодларимиз суғориш тизимини яхши йўлга қўйганлар. Кушон империяси давридаёқ

<sup>70</sup> Агзамова Г.А. Бухоро амирлиги: қишлоқ хўжалиги ва унинг айрим хусусиятлари... – Б. 93.

<sup>71</sup> Мирза Салимбек. Тарихи Салими. – Ташкент: Академия, 2009. – С. 125.

<sup>72</sup> Маев Н. Долина Сурхана // ТВ. 1879. № 36.

<sup>73</sup> Мусаев Н. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. – Тошкент, 2008. – Б. 16.

<sup>74</sup> ЎзР МДА, И-2-жамғарма, 1-рўйхат, 251-иш, 12-варақ.

<sup>75</sup> Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве .Т. 1. –С. 241.

<sup>76</sup> Зиёев Х. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида. – Тошкент: Шарк, 2006. – Б. 76.

<sup>77</sup> Полк. Матвеев. Поездка по Бухарским и Афганским владениям // СМА. – СПб., 1883. Вып. 5. –С. 21.

<sup>78</sup> Капитан Стеткевичъ. Бассейн Каратагдарьи / СМА. – СПб., 1894. Вып. 57. –С. 279.

<sup>79</sup> Средне-Азиатский вестник. – Ташкент, 1896. – С. 99 – 100.

<sup>80</sup> ЎзР МДА, И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 43-иш, 6-варақ.

<sup>81</sup> Логофет Д.Н. Орошение Термеза // Туркестанский сборник. Т. 497. – С. 112.

ирригация тизими яхши йўлга қўйилганлигига Шеробод худудида қазилган Таллашқон, Сўхта, Раватак, Хўжақия ариқлари яққол мисол бўла олади. Хасрга мансуб “Худуд ул-олам” асарида ҳам ирригация тизимининг яхши йўлга қўйилганлиги ва унумдор тупроқ воҳада дехқончиликнинг ривожига сабаб бўлганлиги қайд этилган<sup>82</sup>. Суғориш тизимида катта тажрибага эга воҳа аҳли дехқончиликда сой-адирлар, паст тоғлар, ўртача баланд тоғлардан бошланадиган оқар сувлардан фойдаланишган. Тоғли худуд дехқончилигида муҳим ўрин тутувчи сой ва жилғалар сони 2200 дан ортиқ бўлиб, уларнинг сув захираси Сурхондарёнинг йиллик сувидан 6 барабар кўп бўлган<sup>83</sup>. Соё ва булоқлар сувини тартибга солиш мақсадида кичик-кичик, оддий ва бетартиб ариқ тармоқлари ташкил этилган.

Аждодларимиз дарё сувларидан узоқда жойлашган ерларда ҳам суғорма дехқончилик қилишнинг йўлини топганлар. Хусусан, Сурхон воҳасининг тоғолди қишлоқларида одамлар кориз тизимидан унумли фойдаланганлар. Н.А.Маев воҳада қадимдан ирригация иншоотларини курилиб, улардан фойдаланиш технологиялари ўзлаштириб олинганлиги тўғрисида қуйидагича ёзади: “Осиёликлар азалдан қуруқ чўл иқлими, сувсизликдан азият чекиб келганлар. Шунга қарамасдан, қуёш нуридан фойдаланган ҳолда чўл иқлимида экин ўстирганлар. Улар сувни тежашни, ундан самарали фойдаланишни яхши билганлар. Умуман, сувсиз жойларга ҳам сув чиқариш технологиясини ўрганиб олганлар. Тоғликлар ўз ерларига сув чиқариш мақсадида барча қийинчиликларни енгиб ўтадилар. Баланд тоғ чўққиларидан тарнов ёрдамида сув туширилган. Шеробод шаҳридан унча узоқда бўлмаган Гумдахна дарасида ёғочдан ясалган тарнов бўлиб, у дарёдан 2 – 3 саржин баландликда жойлашган. Бу қурилма орқали Шерободдан шарқдаги экин майдонларига сув етказиб берилган. Агар бирон-бир тоғ булоғидан ариқ ўтказишнинг иложи бўлмаса, ер ости ариқлари – коризлардан фойдаланганлар”<sup>84</sup>.

Россия империясининг Туркистон ўлкасида олиб борган пахта экиладиган майдонларни кенгайтириш сиёсати Бухоро амирлигининг шарқий бекликларида ҳам давом этди. Айниқса суғориш тизимида муҳим тадбирлар амалга оширилди. 1889 йилдаёқ Термиз шаҳри атрофида 10 минг десятина ерни Сурхон дарёсининг ирмоғи бўлган Қизилсув билан суғориш<sup>85</sup>, 1897 йил декабрида Саловот ариғини таъмирлаш<sup>86</sup>, 1898 йилда Н.М.Гельман томонидан Термиз атрофида 4750 десятина ерни суғориш учун 130 минг рубль қийматига эга бўлган сув иншоотлари қуриш лойиҳаларининг ишлаб чиқилганлиги бунга мисол бўла олади<sup>87</sup>.

1906 йилда Шеробод беклиги худудига Сурхондарёдан сув чиқариш мақсадида Бухоро амири вакили Боймурод қоровулбеги маҳаллий амлоқлик

<sup>82</sup> Hudud al-alam. The Regions of the World. Transl. and explained by V. Minorsky. – London, 1937. – P. 114.

<sup>83</sup> Саидов А. Тоғ сойлари – суғориш манбаи. – Тошкент, 1974. – Б. 14.

<sup>84</sup> Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства... – С. 310 – 311.

<sup>85</sup> Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т. 2. – СПб., 1911. – С. 88.

<sup>86</sup> ЎзР МДА, И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 133-иш, 248-варақ.

<sup>87</sup> Орошение Термеза // Туркестанский сборник. Т. 497. – С. 173.

оқсоқоллари билан шартнома имзолаган. Шартномага кўра, Жарқўрғон йўналишида катта мавзедан бир минг беш таноб ерни ўзлаштириб сув чиқаришга келишилган. Ушбу келишув шартномасини Бухородаги Россия сиёсий бошқарма вакили билан Шеробод беги Мирза Салимбек ва қози Мулла Абдулла Хўжа имзолаган<sup>88</sup>.

Пахта экиладиган майдонларни сув билан таъминлаш масаласини ҳал қилиш учун рус мелиораторлари, ирригаторлари воҳага таклиф қилина бошланди. Ҳарбий инженер А.Г.Ананьев Туркистон генерал-губернаторига Сурхон воҳаси ерларини ўзлаштиришнинг истиқболини асослаб берди<sup>89</sup>. А.Г.Ананьев томонидан тақдим этилган бу лойиҳа 1912 йил 26 январда Туркистон генерал-губернатори комиссияси томонидан маъқулланади. 1912 йил 23 февралда Бухоро амирининг ишончли вакили Мирзо Насруллобий қўшбеги ва А.Г.Ананьев ўртасида 17 банддан иборат шартнома имзоланади. Унга кўра, амир А.Г.Ананьевга Шеробод ва Бойсун бекликларига қарашли 72500 десятина (тахминан 72 минг гектар) ерни 99 йилга ижарага беради<sup>90</sup>.

Тадқиқ қилинган даврда Бухоро амирлиги деҳқончилигида баъзи янгиланишлар юз берганлиги аниқланди, аммо меҳнат қуроли ва агротехникада жиддий ўзгаришлар кўзга ташланмади<sup>91</sup>. Амирлик давлат бошқаруви тизимида меҳнат қуролининг такомиллаштириш, экинларнинг янгиларини яратиш масалаларига жиддий эътибор қаратмаган. Агротехника соҳасида маҳаллий деҳқончилик маданияти ўз имкониятлари ва шароитдан келиб чиқиб, ерга ишлов бериш, янги навларни яратиш, экинларни экиш ва йиғиштириб олиш билан боғлиқ билим ва тажрибаларни умумлаштириб борганлиги ёритилган.

Шундай қилиб, биринчидан, Сурхон воҳаси бекликларида оби ва лалми ерларнинг катта қисми юқори табақа кўлида бўлса-да, миришкор деҳқонлар деҳқончиликнинг барча ютуқларини кўллаган ҳолда уни ривожлантиришга интилдилар. Иккинчидан, деҳқончилик экинлари ва янги навларини маҳаллий шароитга мос ҳолда кўпайтириш борасида ҳам муҳим ютуқлар кўлга киритилган. Учунчидан, узумчилик, олма, анор, ўрик каби боғ маҳсулотлари нафақат амирликда, шу билан бирга қўшни давлатларда ҳам ўз харидорига эга бўлганлиги бу тармоқ ривожидан далолат беради. Тўртинчидан, сабзавот ва полиз экинлари етиштиришда эришилган ютуқлар, ҳудуд аҳолисининг бу борада катта мактаб яратганини кўрсата олади. Бешинчидан, ҳудудда сувни асраб-авайлаш борасида асрлар давомида тўпланган тажрибадан унумли фойдаланилган. Бошқа ерлардан фарқли равишда, деҳқонлар кориз, селовакорлик ҳамда тоғ булоқлари ва жилғалардан омилкорлик билан фойдаланганлар. Олтинчидан, Россия империяси даврига келиб, пахта экиладиган майдонларнинг кенгайиб бориши бошқа қишлоқ хўжалик экин турларининг қисқаришига ва оқибатда пахта яккаҳоқимлигининг пайдо бўлишига олиб келди.

<sup>88</sup> ЎзР МДА, И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 678-иш, 306-варақ.

<sup>89</sup> ЎзР МДА, 126-жамғарма, 2-рўйхат, 1402-иш, 36–37-варақлар.

<sup>90</sup> ЎзР МДА, И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 678-иш, 36-варақ.

<sup>91</sup> История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.)... – С. 212.

Диссертациянинг “Сурхон воҳасида чорвачилик хўжалиги ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган тўртинчи бобида чорвачилик хўжалигининг умумий тавсифи ва ҳудудий жойлашуви, кўйчилик ва унинг иқтисодий ҳаётдаги ўрни, чорвачилик маҳсулотлари турлари ҳамда уни тайёрлаш усуллари таҳлил қилинган.

Сурхон воҳасининг қулай иқлими, кенг яйловларнинг мавжудлиги ва чорва молларини боқиш учун ўсимликлар дунёсининг мўллиги ҳамда яйловларнинг мавсумий характери чорвачиликнинг жадал ривожланишида катта аҳамият касб этган. Маълумки, воҳа аҳли иқтисодиётида чорвачилик етакчи ўринни эгаллаган. Бу ҳақда кўплаб тарихий манбаларда маълумотлар мавжуд. Масалан, “Ҳудуд ул-олам” асарида Сурхон воҳасида махсус чорвачилик марказларининг бўлгани, биргина Термиз шаҳридан 30 км шимоли-ғарбда Ҳошимгард (ҳозирги Термиз-Ангор йўналишида жойлашган Каптархона қишлоғи) шаҳрида кўп сонли кўй сурувлари ва қорамол подалари борлиги қайд этилади<sup>92</sup>.

Воҳанинг Денов, Юрчи, Бойсун, Шўрчи, Жарқўрғон, Шеробод тоғадирларида катта миқдордаги чорва молларини боқиш имкони бўлган. Айниқса, жуда кўп қоракўл кўйлари боқилиб, асосий даромад уларнинг терисидан олинган, бундай терилар ташки савдода катта ўрин тутган. Капитан Покотило берган маълумотларга қараганда, XIX аср охирида Сурхон воҳаси бекликларида 9000 бош туя, 200 минг бош қорамол, 175 минг бош от, 690 минг бош кўй боқилган<sup>93</sup>. Сурхон воҳасида сигирларнинг воҳа иқлимига мос жайдари (маҳаллий) тури кўпроқ сақланган<sup>94</sup>. Жайдари сигирлар ўрта бўйли бўлиб, маҳсулдорлиги унча юқори бўлмаса ҳам, иссиқ иқлимга мослашувчанлиги, касалликларга чидамлилиги, деярли ҳар йили бузоқлаганлиги, сут, қатиқ олиш мумкинлиги учун улар аксарият хонадонларда боқилган.

Бухоро амирлигида йилқичилик чорвачилик хўжалигида алоҳида ўрин тутган. Амирликда туркман (арғимоқ), ўзбек, қўқон, қозоқ ва қорабайир отлари кўпайтирилган<sup>95</sup>. Сурхон воҳасида ҳам қадимдан йилқичиликка катта эътибор берилган, биргина Чағаниён амирининг 18 минг бияси ва унинг ёнида тойчоғи бўлганлиги манбаларда қайд этилган<sup>96</sup>. Воҳада отнинг бир неча тури мавжуд бўлиб, улар *саман*, *жсийрон*, *тўриқ*, *бўз*, *кўк*, *темир кўк*, *оқёл*, *чағир* каби номлар билан аталган. Отлардан, биринчи навбатда, транспорт (улов воситаси сифатида), иккинчидан, ишчи ҳайвон сифатида фойдаланилган. Амирликда миңиладиган от 400 минг бошни ташкил этган бўлса<sup>97</sup>, шундан деярли тенг ярми Сурхон воҳасида бўлган. Сурхон воҳасида от йигитнинг йўлдоши сифатида қадрланган ва энг қимматбаҳо совға ҳисобланган. Шу сабабли Чағониён амири ғазнавий султон Маъсудга ҳадя

<sup>92</sup> Hudud al-alam... – P. 114.

<sup>93</sup> Покотило Н.Н. Отчет о поездке в пределы Центральной и Восточной Бухары... – С. 65.

<sup>94</sup> Мазов С. Восточная Бухара, Бадахшан и северный Афганистан // Туркестанский сборник. Т. 404. – С. 12.

<sup>95</sup> История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.)... – С. 212 – 213.

<sup>96</sup> Низами Арузи Самарканди. Собрание редкостей или четыре беседы. – Москва, 1963. – С. 67.

<sup>97</sup> ЎзР МДА, Р-47-жамғарма. 1-рўйхат. 115<sup>а</sup>-иш, 11-варак.

қилган совғалари ичида яхши отлар ҳам бўлган<sup>98</sup>. Тадқиқ қилинган йилларда Денов беклигининг тоғли худудларида бақувват ва жуссаси катта яхши отлар бўлганлиги Г. Бонвалот асарларида ҳам тилга олинади<sup>99</sup>.

Тадқиқ қилинган даврда воҳа чорвачилигида туячилик ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Амирликда жами 0,5 млн. туя бўлган<sup>100</sup>. Покотилонинг берган маълумотларига қараганда, XIX аср охирида воҳа бекликларида 9000 бош туя боқилган<sup>101</sup>. Туяни, асосан, Шеробод ва Бойсун беклигидаги кўнғиротлар боққанлар. Бухоро амирлиги ва афғон чегараларига туташ худудларда асосан кучли ва узун бир ўрқачли туялар кўпайтирилган<sup>102</sup>.

Туякашлар туя наслига ҳам алоҳида эътибор берганлар, киш ойларида уни иссиқ хоналарда сақлаганлар. Барча чорва молларидаги сингари туялар ҳам номланган. Туя бозорда харидоргир ва қиммат чорва саналган. Яхши боқилган ва соғлом туя худудига қараб. 47 – 70 рубль 50 тийиндан<sup>103</sup> 80 – 130 рублгача бўлган нархларда сотилган<sup>104</sup>.

Бухоро амирлиги иқтисодий ҳаётида қўйчиликнинг муҳим ўрин тутганлиги унинг бозорларда бошқа худудларга нисбатан юқори нархда сотилишидан ҳам англашилади<sup>105</sup>. Агар Қўкон хонлигида 1 қўйга 6 – 7 пуд буғдой олиш мумкин бўлган бўлса, Бухорода 1 қўйга 13 – 18 пуд, хатто ундан ҳам кўп буғдой айирбошлаш мумкин бўлган<sup>106</sup>. Қоракўл қўйларидан тери олинган. Ўрта Осиё бозорларида тирик қўй, жун ва ундан тайёрланган маҳсулотлар (кигиз, полос, турли ўлчовдаги қоplar ва ҳ.к.) харидоргир маҳсулот саналган.

Маълумки, ўзбеклар Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари каби қўйнинг икки турини гўшти учун хисори, териси учун қоракўл, – қўйларини боққанлар. Қоракўл қўйлари, асосан, Қарши чўллари (Қарши, Ғузор, Чирокчи ва бошқа бекликлар), Қарнабчўл (Самарқанд ва Каттакўрғоннинг жанубий ва шимоли-ғарбий районлари), Қарши беклиги ҳамда Бухоро воҳасининг чўл ва ярим чўл зоналарида боқилган<sup>107</sup>. Амирликнинг бўрдоқи қўйчиликка ихтисослашган муҳим минтақаларидан бири Бойсун беклиги бўлган. Н.А.Маевнинг таърифига кўра, ўзбек-қўнғирот уруғи, умуман, бойсунликларнинг муҳим бойлиги тоғли минтақаларда ҳайдаб боқиладиган қўйлардир. Қишда Бойсун чорвадорлари қўшни Қашқадарё воҳасидаги Қарши ва Ғузор оралиғида жойлашган даштларга тушганлар. Ғузорда улар ўз чорваларини Қарши

<sup>98</sup> Абул-Фазл Бейхаки. История Маъсуда (1030 – 1041). Перевод А.К.Арендса. Изд. 2-е. – Москва, 1969. – С. 65.

<sup>99</sup> Bonvalot G. Through the heart of Asia. Over the Pomir to India. – P. 212.

<sup>100</sup> ЎЗР МДА, Р-47-жамғарма, 1-рўйхат, 115<sup>а</sup>-иш, 10-варақ.

<sup>101</sup> Покотило Н.Н. Отчёт о поездке в передели Центральной и Восточной Бухары... – С. 65.

<sup>102</sup> Мазов С. Восточная Бухара, Бадахшан и Северный Афганистан // Туркестанский сборник. Т. 404. – С. 11.

<sup>103</sup> Капитан Гинтылло. Сведения по интендантския части, собранные в Бухаре / СМА, Вып. XXI. – СПб., 1886. – С. 27.

<sup>104</sup> ТВ, 1911. 1 июнь.

<sup>105</sup> История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.)... – С. 213.

<sup>106</sup> Батраков В. С. Особенности развития сельского хозяйства Бухарского ханства с половины XVIII до 70-х гг. XIX века / Труды ТашГУ. Вып. 193. – С. 163.

<sup>107</sup> Шаниязов К. Основные отрасли животноводства в дореволюционном Узбекистане // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – Москва: Наука, 1975. – С. 189.

орқали Бухорога ёки Шахрисабз орқали Самарқандга олиб кетадиган савдогарларга сотганлар<sup>108</sup>. Воҳада, асосан, думбали қўйларнинг ҳисори, қозоқи, жайдари, ислики, ғалжаки, кўрғўза ва саржипаранг турлари боқилган. Ҳисори қўйлар, кўпроқ Денов ва Бойсун бекликларида кўпайтирилган. Воҳанинг Денов ва Бойсун беклиги тоғолди ҳудудларида энг кўп ёғ ва гўшт қиладиган ҳисори қўйлар боқилиб, ёз ойларида тоғли ҳудудларга ҳайдалган. Воҳанинг чўл зоналарида, яъни Шеробод беклиги ҳудудларида қўйларнинг ислики (ҳисори қора қўйларга қараганда кичикроқ, жуни ҳам майинроқ бўлган, қозоқи қўй деб ҳам аталган), ғалжаки (Афғонистондан ўтган), чуваланг (араби, қоракўл), кўрғўза (қозоқи ва чибалангдан урчиган) ва саржипаранг (Саржибой томонидан яратилган) турлари боқилган.

Қўй сурувларининг  $\frac{1}{4}$  қисмини эчкилар ташкил этган. Амирликнинг шарқий ҳудудларида тибет зотли эчкилар боқилган, уларнинг сони 6,5 млн бошни ташкил этган<sup>109</sup>. Албатта, дала-даштларда эчкилар гўшти, сути ҳамда туёқ сони учун боқилган. Чунки эчки бир йилда икки мартагача туққан ва говмишлари 2 литргача сут берган. Воҳа қўйчилигида тўл олиш масъулиятли давр ҳисобланиб, барча қўйларнинг талафотсиз қўзилаб олиши учун зарур чоралар кўрилган.

Қўй-эчкилардан сут ва гўшт маҳсулотларидан ташқари жун ҳам олинган. Чуваланг қўйлар 2 – 3 кг, саржипаранг қўйлар 3 – 4 кг.гача жун берган, шу сабабли жун қирқимига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Қўйларнинг жуни бир йилда икки марта олинган. Жаҳон бозорида қўй жунига ҳам, терисига ҳам талаб юқори бўлган. Масалан, Россия ҳар йили четдан жун, тери ва ёғ сотиб олишга 45 миллион рублгача маблағ сарфлаган. Шу сабабли Бухоро амирлигида чорвачилик ривожига эътибор қаратилган ва қисқа вақт ичида у жаҳон бозорига жун, тери экспорт қилувчи давлатлар қаторига қўшилган<sup>110</sup>.

Чорвачилик воҳа аҳолисининг нафақат кундалик эҳтиёж молларига бўлган талабини қондиришда, қолаверса, хунармандчиликнинг айрим тармоқларини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этганлиги таҳлил қилинган. Жун, тери каби чорвачилик маҳсулотларини саноат асосида қайта ишлаш натижасида нафақат ички, шунингдек, ташқи бозор учун учун муҳим бўлган хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилганлиги ушбу тадқиқотнинг ҳам марказида турди ва бу жараён қимматли манбалар, архив ҳужжатлари асосида ёритиб берилган.

Хулоса сифатида таъкидлаш ўринлики, қулай иқлим, кенг яйловларнинг бўлиши бу тармоқнинг ривожига кенг имконият яратган. Воҳа ҳудудининг текисликлар, пасттекисликлар, дарё водийлари, қир ва адирлар, тоғ ёнбағирлари ҳамда тоғликлардан ташкил топганлиги, ўсимликлар дунёсининг мўллиги ва ранг-баранглиги унинг иқлимий даврий кетма-кетлиги шаклланишига олиб келган; қўйчиликнинг иқтисодий ҳаётда муҳим

<sup>108</sup> Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства... – С. 327.

<sup>109</sup> ЎзР МДА, Р-47-жамғарма, 1-рўйхат, 115-иш, 10-варақнинг орқа томони.

<sup>110</sup> Мазов С. Тонкорунное овцеводства в Туркестане // ТВ. 1910. № 280

ўрин тутиши унинг бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бозордаги нархи таққосланган ҳолда кўрсатилган; воҳа хунармандлари томонидан чорва маҳсулотларини қайта ишлаш асосида бозор ва уй-рўзғор учун зарур бўлган барча жиҳозлар тайёрланган.

Диссертациянинг **“Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида савдо-сотик муносабатлари”** деб номланган бешинчи бобида Сурхон воҳасидаги ички савдо йўллари, бозорларнинг савдо-сотик ривожигаги ўрни, Бухоро амирлиги ва Россия империяси ташқи савдосидаги аҳамияти ёритилган.

Маълумки, ички савдо йўллари ўзининг тузилиши ва хусусиятига кўра иккига: қуруқликдаги қарвон йўллари ва сув йўлларига бўлинган. XVIII–XX асрларда Сурхон воҳаси бекликларини Бухоро амирлиги маркази билан боғловчи қуруқликдаги савдо йўлларининг асосий қисми текисликдан, унчалик катта бўлмаган қисми қумлик орқали ўтган. Савдо-сотик муносабатларида аравалар асосий транспорт воситаси ҳисобланса ҳам, Сурхон воҳаси ҳамда Амударёнинг ўнг ва чап қирғоқларида аравадан деярли фойдаланилмаган<sup>111</sup>. Фақат Шерободдан Паттакесаргача бўлган текис чўл йўлида арава ишлатилган<sup>112</sup>.

Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги ўзаро савдо йўлларида транспорт вазифасини от ва туялар ўтаган, баъзи ҳолларда хачир ва эшаклардан ҳам фойдаланилган. Воҳа ҳудуди орқали савдо-сотикни ривожлантириш учун қарвонсаройлар қуриш ва йўл хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Манбаларда Термиз–Самарқанд йўналиши бўйлаб ўнлаб постлар ва қарвонсаройлар бўлганлиги қайд этилади<sup>113</sup>.

Воҳанинг Ғарбий Бухоро бекликлари билан олиб бориладиган савдо алоқаларида Бойсун, Дарбанд, Шеробод ва Термиз шаҳарлари муҳим аҳамият касб этган. Сурхон воҳасининг қўшни бекликлар, Ғарбий Бухоро бекликларининг Афғонистон, Ҳиндистон билан савдо алоқаларида энг қулай йўл Ҳисор тоғи тизмалари ҳисобланган. Ҳисор тизмалари орқали ўтувчи тўртта йўл муҳим аҳамият касб этган<sup>114</sup>.

Бу йўллардан ташқари, Сурхон воҳасини қўшни бекликлар билан боғловчи бошқа йўллар ҳам бўлган. Булар Шаҳрисабз–Денов, Шаҳрисабз – Юрчи, Шаҳрисабз–Дарбанд, Ғузур– Дарбанд, Қабодиён – Бойсун, Денов – Ҳисор йўллари бўлиб, улар орқали воҳа бекликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик, чорвачилик ва хунармандчилик маҳсулотлари олиб кетилган. Маълумотларга кўра, ҳар йили Қаршига 1000 туя гуруч, буғдой, кунжут, зиғир каби умумий оғирлиги 15000 пуд бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жўнатилган. Сурхон воҳасининг қўшни бекликлар билан бўладиган савдо алоқаларида чорва маҳсулотлари ҳам алоҳида ўрин тутган. Шарқий Бухородаги чорва моллари даставвал Миршоди бозорида тўпланган.

<sup>111</sup> Пол. Матвеев. По Бухарским и афганским владениям 1877 г. // Туркестанский сборник. Т. 524. – С. 100.

<sup>112</sup> Мазов С. Восточная Бухара, Бадахшан и северный Афганистан // Туркестанский сборник. Т. 404. – С. 26.

<sup>113</sup> ЎЗР МДА, И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 133-иш, 237-варақ.

<sup>114</sup> Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып. V. – СПб., 1894. – С. 45.

Миршоди бозорида йиғилган қўй ва эчкилар аввал Бойсунга, сўнгра Ғузор ва Қаршига ҳайдалган. Ҳар йили воҳадан ўртача 10000 – 20000 бошгача чорва моллари ҳайдаб кетилган<sup>115</sup>.

Тадқиқот ишида Сурхон воҳасининг иқтисодий ҳаётида маҳаллий бозорларнинг алоҳида ўрни борлиги тадқиқ этилган. Бозорлар шаҳар мавжудлиги белгиларидан биридир. Уларнинг катта-кичиклиги, бойлиги ва бошқа жиҳатлари шаҳарларнинг мамлакатда тутган ўрни ва сиёсий вазият билан чамбарчас боғлиқ бўлган<sup>116</sup>. Ҳудуддаги энг катта бозорлар Термиз, Шеробод, Денов ва Бойсун бозорлари эди. Бухоро амирлигидаги, жумладан, Сурхон воҳаси бекликларидаги бозорлар фаолияти Туркистон округи интендант хизмати капитани Гинтилло томонидан чор ҳукумати манфаати нуқтаи назаридан чуқур ўрганилган<sup>117</sup>. Бухоро амирлигида, жумладан, воҳадаги бозорлар ҳафтанинг маълум кунларида бўлиши белгилаб қўйилган ва шу тариқа савдо муносабатларининг ривожланиши учун савдогарларга қулай имкониятлар яратилган<sup>118</sup>.

Бухоро амирлиги қўшни давлатлар – Афғонистон, Эрон давлатлари билан жадал савдо алоқалари олиб борган<sup>119</sup>. Амирликнинг Шарқ давлатлари билан бўладиган савдо алоқаларида Сурхон воҳаси орқали ўтган карвон йўллари катта аҳамиятга эга бўлган. Бухоро амирлигининг Афғонистон билан бўладиган савдо алоқалари Амударё сув йўли орқали амалга оширилган. Қадим даврдан Афғонистон билан бўладиган савдода Сурхон воҳаси худудида жойлашган Ёргоҳ ва Чўчкагузар кечувлари муҳим аҳамият касб этган<sup>120</sup>. Россия империяси ҳали Сурхон воҳаси худудига келмасидан олдин, яъни 1874 – 1878 йиллардаёқ Амударё сув йўлининг ўрта ва қуйи оқимларида чуқур тадқиқот ишлари олиб борган<sup>121</sup>. Рус ҳукумати томонидан Амударё кечувлари диққат билан ўрганилган. Улар олиб борган тадқиқотларга кўра, Вахш дарёсидан то Каркигача 11 та кечув қайд қилинган. Биринчи даражали кечувларга Қабодиён, Паттакесар, Шўроб, Чўчкагузар кириб, улар, асосан, Бухоро амирлигини Шимолий Афғонистон билан боғлайди. Иккинчи даражали кечувлар Калиф ва Карки кечувлари бўлиб, Афғонистоннинг барча шаҳарлари, жумладан, Кобул билан боғлайдиган транзит йўлда жойлашган<sup>122</sup>.

XIX аср ўрталарида Афғонистоннинг Балх шаҳри билан боғлайдиган уч йўналиш ҳаракатда бўлган<sup>123</sup>. Бухоро амирлигининг Афғонистон ва Ҳиндистон билан савдо алоқаларида Термиз ва Шеробод шаҳарлари муҳим ўрин тутган. Бу шаҳарларда четдан олиб келинган маҳсулотлар йиғилиб, кейин амирликнинг

<sup>115</sup> Полковник Галкин. Военно-статистический очерк средней и южной частей Сурханской долины // СМА. Вып. 57. – СПб., 1894. – С. 377.

<sup>116</sup> Агзамова Г.А. Сўнги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида хунармандчилик ва савдо. –Тошкент, 2000. –Б. 39.

<sup>117</sup> ЎЗР МДА, И-1-жамғарма, 34-рўйхат, 288-иш, 1-4 варақлар.

<sup>118</sup> ЎЗР МДА, 126-жамғарма,1-рўйхат, 1012-иш, 1-варақ.

<sup>119</sup> История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.)... – С. 243.

<sup>120</sup> Хофизу Абрў. География ( форсийдан Омонулло Бўриев таржимаси). – Тошкент, 2002. – Б. 202.

<sup>121</sup> Грулев М.В. Некоторые географико – статистическая данная, относящихся к участку Амударьи между Чарджуем и Паттакесаром // Туркестанский сборник. Т.474. – С. 1 – 2.

<sup>122</sup> Кап. Быков. Очерк переправ через реку Амударью // Туркестанский сборник. Т.340. – С. 8 – 9.

<sup>123</sup> Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. – Тошкент: Академия. 2004. – Б. 106

бошқа худудларига тарқатилган. Шимолий Афғонистон, хусусан Чорвилоят Бухоро амирлиги билан савдода муҳим ўрин тутган. Бу ерда афғон маҳсулотлари ва ҳинд молларини ҳам харид қилиш мумкин эди<sup>124</sup>. Ҳар йили Калиф ва Шеробод орқали Афғонистондан Бухорога 6 мингдан ортиқ туяларда турли хил маҳсулотлар олиб келинган<sup>125</sup>.

Юк қабул қилишда Калиф кечувидан кейин, Чўчкагузар кечуви муҳим ўрин тутган. Ҳиндистондан экспорт қилинган чойнинг 100 минг пуди, яъни 30 фоизи ушбу кечув орқали олиб ўтилган. Бу моллар Амударёдан амирлик ва афғон қайиқлари орқали ўтказилган. Бу қайиқларда, асосан, савдо юклари ва йўловчилар ташилган. Маълумотларга кўра, Амударё бўйлаб 800 пуддан 1500 пудгача юк кўтара оладиган, умумий юк обороти 500 минг пудни ташкил этган 500 га яқин қайиқлар ҳаракатланган<sup>126</sup>.

Ўрта Осиёда рус маҳсулотларини янада кўпайтириш ва инглиз товарлари кириб келишининг олдини олиш мақсадида Россия ҳукумати темир йўл қуришга алоҳида эътибор қаратган. Бухоро амирлигининг шарқий худудларини ўзаро боғловчи Когон-Термиз темир йўли қурилишига рус ҳукумати ҳам Бухоро амирлиги ҳам энг долзарб қурилиш сифатида караган<sup>127</sup>. Қурилажак бу йўл Кобул ҳарбий ҳаракат йўналишидаги (Термиз – Мозори Шариф – Кобул) асосий транзит темир йўли вазифасини ўташи эътиборга олинган. Қолаверса, Термиз темир йўл тармоғини келажакда Англия – Ҳиндистон темир йўл тармоғи билан бирлаштириш, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистоннинг энг бой ўлкалари билан савдо-сотиқни ривожлантириш ҳам кўзда тутилган. Натижада Ғарбий Европани Жанубий Осиё билан бирлаштирадиган ва Россия орқали ўтадиган жаҳонда ягона яхлит транзит темир йўли шаклланди<sup>128</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, манғитлар ҳукмронлиги давридаги марказлаштириш сиёсати биринчидан, иқтисодийнинг ривожига, савдо-сотиқнинг жонланишига ўз таъсирини кўрсатди; иккинчидан, Сурхон воҳаси орқали ўтувчи савдо йўллари нафақат Бухоро амирлиги, шунингдек, Россия империясининг Шарқ давлатлари билан савдо алоқаларида ҳам муҳим ўрин тутди.

## ХУЛОСА

“XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Сурхон воҳаси хўжалиги” мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг шарқий бекликларида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, савдо ва маданий ҳаёт бир қадар зиддиятли ва ўзига хос кечганлиги ҳақидаги маълумотлар ўша даврда яратилган тарихий асарлар, амирликнинг маъмурий

<sup>124</sup> ЎзР МДА, И-1-жамғарма, 34-рўйхат, 675-иш, 114-варақ.

<sup>125</sup> ЎзР МДА, 126-жамғарма, 1-рўйхат, 1029-иш, 1-варақ.

<sup>126</sup> Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент, 1922. – С. 7.

<sup>127</sup> Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент, 2015. – Б. 76.

<sup>128</sup> Холиқова Р. Россия – Бухоро: тарих чорраҳасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б. 211.

ҳужжатлари, архив материалларида ўз аксини топганлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб воҳага Россия империясининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий таъсири кузатилади ва бу жараёнлар, албатта, воҳанинг хўжалик ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатган.

